O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 16 ОКТЯБР сешанба
№ 42 (246)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

# ТЕРРОРИЗМ – БУ ЁВУЗЛИК

## унга қарши курашдан четда туришда ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

***Бугун терроризм ўзининг жирканч башарасини, нопок ниятини тўла намоён этди. Унинг зўрлик, ёвузлик, тинч-тотув ҳаётга раҳна солиш — оқибатда ижтимоий адолат, демократия устидан ўз ҳукмронлигини ўтказишга қаратилган муддаоси жаҳон халқларига аён бўлиб қолди. Жумладан, Тошкентда содир этилган 16 феврал воқеалари, АҚШдаги вайронагарчиликлар дунёни ларзага солди. Айниқса, сўнгги ўн йилликда кўплаб мамлакатлар террор балосидан жабр чекди, мисқоллаб йиғилган фан ва техника ютуқлари — цивилизация хавф остида қолди.***

***Бундай хавф-балога бефарқ қараш мумкинми? Агар терроризмга нисбатан ҳушёр муносабатда бўлмасак, адолатли, қатъий кураш бошламасак, кеч бўлади. Кўп нарсаларни бой беришимиз мумкин. Шундай пайтда бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Президентимиз Ислом Каримов бу ёвуз кучга қарши биргалашиб курашиш зарурлигини бир неча йил олдин айтган ва ҳатто асарларида ёзган ҳам эди. Ҳаётнинг ўзи Юртбошимиз илгари сурган фикрлар нақадар тўғрилигини тўла исботлади.***

***Вақт кутиб турмайди. Террорга қарши кураш барча мамлакат, барча халқларнинг айтиш мумкинки, биринчи навбатдаги онгли юмушига айланди. Ҳар биримизга даҳлдор бўлган тинчлик, Ватан озодлигидек муқаддас туйғулар учун ҳар қандай ёвуз кучларга қарши курашишга тайёр турган халқимиз жаҳолатнинг, зўрликнинг умри қисқалигига ишонади.***

***Таҳририятимизга келаётган хатлар фикримизнинг далилидир.***

*Мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан.*

**Ислом КАРИМОВ**




**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати халқаро терроризмни тинчликка, шунингдек, глобал ва минтақавий барқарорликка жиддий хавф деб биладилар. Шу муносабат билан улар шу йил 7 октябрь куни терроризмга қарши курашда икки томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратадиган Битимни имзоладилар.**

***

Қарши шаҳрида теннис бўйича "Фьючерс" халқаро турнири бўлиб ўтмоқда. Турнирда дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатидан 70 га яқин спортчи иштирок этяпти.

***

**Олий Мажлисда ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Қашқадарё вилоятида ижро этилиши ҳақида"-ги масалалар муҳокама қилинди.**

***

Сурхондарёда машҳур "Орзу К" хусусий фирмаси Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига тўёна қилиб мўъжаз супермаркет дўконини қуриб битказди.

***

**"Ўзфармсаноат" давлат ҳиссадорлик концерни ташаббуси билан шу йил 13-16 ноябрь кунлари "Ўзсавдомарказ" биносида дори-дармон воситалари ва тиббиёт ускуналари иккинчи республика ярмаркаси бўлиб ўтади.**

***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 9 ойида Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

***

**АҚШ Президенти Жорж Буш Афғонистондаги террорчиларга қарши ҳарбий амалиётлар яна бир ёки икки йил давом этиши эҳтимоли борлигини баён қилди. Аммо АҚШ раҳбари Оқ уйда ўтказилган матбуот анжуманида "Толибон" террорчилар раҳномоси Усама бин Лодинни зудлик билан топширса, уларга қарши олиб борилаётган ҳужумларни қайта кўриб чиқиш мумкинлигини таъкидлаган. Шундай қилиб, "Толибон" ҳаракатига иккинчи бор имконият берилди.**

## ҲАР ҚАРИЧИ МУҚАДДАС ТУПРОҚ

Бугун ҳамманинг диққат эътибори, фикри-зикри хориж матбуоти "Қора сешанба" воқеаси деб номлаётган 11 сентябр куни АҚШда содир бўлган террорчилик ҳаракати ва унга жавобан Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британия ҳарбийларининг Афғонистондаги террорчилар кучларнинг база ва истеҳкомларига ҳаводан уюштирлаётган ҳужумларига қаратилган.

АҚШ Президенти Жорж Буш Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган террорчилик ҳаракатини Америкага нисбатан бошланган уруш, деб баҳолади. Бизнингча эса, террор аллақачон ер юзига очиқдан-очиқ уруш эълон қилган эди. Ахир, бундан уч йил илгари Тошкентда содир этилган мудҳиш портлатишларни бошқача изоҳлаш мумкинми?!.

1999 йилда Президентимиз Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги йиғилишида сўзлаган нутқида бугунги кунда халқаро майдонда совуқ уруш кўринишлари ўрнини бир бири билан бирлашиб, тобора кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганлигини таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат ҳозир дунёда бўлаётган воқеалар бир гуруҳ қора ниятли кишиларнинг жинояти эмас, аксинча, бутун инсоният бошига ёғилаётган мудҳиш балои офат эканини ҳис қилаяпмиз.

Президентимизнинг баёнотида халқимизнинг терроризмга муносабати, унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган позицияси аниқ ифода этилди: **"Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин? Бунинг устига оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради".**

Баёнотдаги такрор ва такрор айтишга лойиқ сўзларга эътибор қилинг: **Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: "Бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашда ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.**

Президентимиз халқаро миқёсидаги террорчиларга қарши кураш олиб бориш ғоясини биринчи бўлиб ўртага ташлаган эди. Бу курашда ҳеч биримиз четда туриб қолишимиз мумкин эмас. Терроризм инсониятнинг душмани, тараққиётнинг кушандаси экан, уни бутун ер юзидаги давлатлар қўлни-қўлга бериб, яктан-якдил бўлиб йўқ қилиб ташлашлари лозим ва зарурдир. Бошқа йўл йўқ. Буни барча яхши тушуниб олиши керак.

**Гулнора МАНСУРОВА, ТДЮИ доценти**



*Ёвузликка асосланган террордан ҳамиша ана шундай аянчли из қолган...*

## АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

***АҚШ томонидан Афғонистон ҳудудида ин қуриб олган халқаро террорчилар ўчоқларини йўқ қилишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар, умуман, курраи заминимиздаги халқаро вазият барчанинг диққат-эътиборида турибди. Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулоти ҳам бевосита ана шу мавзуга бағишланди. Уни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ғайбулла Раҳимов кириш сўзи билан очди.***

***Семинарда терроризм қандай туғилади, унга куч бериб турган омиллар нима, терроризмнинг халқаро миқёсда кенг ёйилишига нималар сабаб бўлмоқда, АҚШ ҳукумати томонидан олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга қандай таъсир қилади, террорчилар уяси яксон қилинганидан сўнг Афғонистоннинг келажаги қандай бўлади каби саволлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.***

***Машғулотни сиёсий шарҳловчи Насриддин Муҳаммадиев олиб борди.***

## АЗИЗ ВАТАНГА ЖОНИМИЗ ҚАЛҚОН!

11 сентябрда АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида осмонўпар биноларнинг террорчилар томонидан вайрон қилиниши ва минг-минглаб тинч аҳолининг қурбон бўлиши нимадан дарак беради? Ахир, шу қадар қудрат ва салоҳиятга эга бўлган улкан бир давлатга қўл кўтарган қўпорувчи жаллодлар бошқа мамлакатларнинг осойишталигига хавф солмаслигига кафолат борми? Бугун матбуот нашрлари ва телеканаллари такрорлаётган «бизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда, кундалик юмушимизни давом эттираяпмиз» каби жумлалар ва сатрларга андак ўзгаришлар киритилиш маъқулми деймаn. Яъни, мен ўз ватаним осойишталиги ва унда яшаётган миллатлар дўстлигини, мустаҳкамлаш учун айнан нималар қилдим, деган саволни ҳар биримиз ўз-ўзимизга берайлик. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан ғоят улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Икки қадам наридаги Афғонистонда эса...

Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганларидек, бу хунрезликларда заҳматкаш афғон халқининг айби йўқ. Тараққиёт ва ободончилик, умуман, инсоният кушандаси бўлмиш терроризм раҳнамоларига кўмак, бошпана бераётган шахсларни шубҳасиз, қарғиш ва ўлим кутади. Биз эса мана шу гўзал ва дилбар Ватанимизнинг ҳар қарич ерини муқаддас билиб яшашимиз, керак бўлса, унинг дахлсизлиги учун жонимизни қалқон қилишимиз даркор.

**Дилдора ҲАЙИТБОЕВА, ТДЮИ талабаси**

## ЮРТФУРУШЛАР МУДҲИШ ЎЛИМ ТОПАДИ

Кимга қандай, аммо терроризм тушунчасини биз каби чуқур англайдиган хонадон кўп бўлмаса керак. Негаки, юртфуруш, қонхўр жангариларнинг ифлос тирноқлари бизнинг қалбимизни бир умрга жароҳатлади. Ўтган йили юртимизнинг Узун, Сариосиё туманлари тоғли ҳудудларига суқилиб кирган хоин газандалар билан бўлган жангда кўзимизнинг оқу қораси, ёлғиз ўғлимиз Ғуломжон Ҳусанов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Гарчи бу айрилиқ биз учун оғир, ниҳоятда оғир қисмат бўлса-да, Ватан ҳимояси учун жонини қурбон қилган фарзандимиз билан фахрланамиз. Бугунги кунда Ғуломжон ўқиган мактаб, ўқув юрти ва уни билган барча-барча инсонлар ҳам чексиз фахр туйғуси билан яшаяпти.

Куни кеча Юртбошимиз баёнотларидан матбуот орқали огоҳ бўлдик. Америкадек қудратли давлат ва обод мамлакат ҳам терроризмнинг нақадар катта ёвуз куч эканлигидан ғофил экан. Ахир, Юртбошимиз дунё аҳлини неча бор огоҳлантирмаганмиди? Одамкуш, биродаркуш кимсаларга нафрат билан шундай дегимиз келади:

— Юрт учун шаҳид бўлганлар, ўз юрти тупроғида иззатли банда сифатида дафн этилдилар. Сизларга эса кафан ҳам буюрмайди.

**Шаҳид аскарнинг ота-онаси: Рўзихол опа ва Чори ака ҲАСАНОВлар. Термиз шаҳри**

## ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

Биз томонларда қаҳратон қаҳрини ёриб чиққан баҳорнинг илк нишонаси бўлмиш бойчечакни яхшиликдан нишона деб қошларига суртишиб, келгуси йилда ҳам ушбу чечакни яна кўрай деган ниятларни дилга жо қилишади. Аждодларимиздан қолган бу удумни эслаганимнинг боиси бор, албатта...

Афғон урушида иштирок этганман. Тақдир тақозоси билан ўзга юртларда жангу жадалларни ўз кўзим билан кўрганман. Шу сабаб уруш нима эканлигини яхши биламан. Ўзга юртларда Ватан деган муқаддас гўшани ўзимча кашф этганлигим ҳам муболаға эмас. Юрт, унинг соғинчи, меҳри нечоғлик улуғ эканлигини сўз билан таърифлашга ожизман.

Афғон тупроғида йигирма йилдан буён уруш бўлаяпти. Оддий халқ ҳамиша тинчлик тарафдоридир. Аммо бу юртда ўрнашиб олган бир ҳовуч террорчилар бутун дунёни заҳарлаб турибди. Уларнинг қўли инсондек улуғ зотнинг қонига ботди. Энди нима эмиш, улар жиҳод эълон қилармиш. Улар ким ўзи? Кимга қарши жиҳод эълон қилишади? Кимни қўрқитишмоқчи! Халқимизда қилма топарсан, деган гап бор. Ер юзидаги барча халқлар миллати, ирқидан қатъи назар тинчлик исташади. Биз ҳам осмонимизнинг ҳамиша мусаффо бўлишини хоҳлаймиз. Албатта, тинчлик ҳам, осойишталик ҳам осмондан тушмайди. Бунинг учун Президентимиз таъбири билан айтганда, **курашиш, керак бўлса, жонимизни фидо қилишимиз лозим**.

**Зикир ТОҒАЕВ**

## НИҚОБЛИ ГАЗАНДАЛАР

Қайдаки, ёвуз кимсалар муаззам ва муқаддас динимиз — Исломни ўзларининг жирканч мақсадлари учун бир ўрнида ишлатмоқчи бўлса, қаттиқ адашади. Жайҳуннинг нариги соҳилида қашқирдек қон тўкаётган ва совуқ нигоҳларини эзгулик тимсоли бўлган Ўзбекистонимизга қадаётган, қўлларига совуқ қурол олиб, бир мўмин бандани, норасида гўдакнинг ёхуд ҳимоясиз чоллару заифаларнинг умрига зомин бўлаётганларнинг ислом динига мутлақо алоқаси йўқ. Улар риёкор, ёвуз ва мунофиқ кимсалардир. Биз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг берган баёнотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда бараллa шундай деймиз:

— Инонамизки, терроризм балоси бизга қўшни бўлган жафокаш афғон халқининг пешонасидан ва дунёнинг бошқа бурчакларидан батамом сидириб ташланади.

**Чори ҳожи ШОЙМУРОДОВ**



**Мариел ЕД, журналист, Франция**

## ТИНЧЛИКНИ УЛУҒЛАБ ЯШАЁТГАН ХАЛҚ

Ростини айтсам, Термиз шаҳрига етиб келгунимга қадар юрагимда қўрқув ва хавотир бор эди. Чунки ҳали ватанимдаёқ бу ердаги вазият тўғрисида ҳар хил "миш-миш"ларни эшитган эдим. Етиб келгач, Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги тинч ва осойишта вазиятни ўз кўзим билан кўриб, тасаввурим тамоман ўзгарди. Одамларнинг тинч-тотув яшаётгани, эртанги кунни ўйлаб меҳнат қилаётгани кишининг ҳавасини келтиради. Мен Термиздаги хонадонларда бўлдим, ҳатто тўйларда иштирок этдим. Ўзбеклар бағрикенг, меҳмондўст халқ экан.

Яқинда нишонланадиган қадимий шаҳар Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратда қолдим.

Бу ерга журналист сифатида келиб, ўзимга бир нарсани кашф этдим: Амударёнинг нариги қирғоғига кўз ташласа, одамнинг юрагини ваҳм босади. Одамлар оч-яланғоч, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлган.

Икки қадам бу ёқда — Ўзбекистонда эса одамлар тинч, тунлари бехавотир ухлайди, тўй-ҳашамлар ўтказади, эртанги куни учун савоб ишларга қўл уради. Ана шундай икки хил вазиятни кўрган киши, энг аввало, тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини чуқур ҳис этади.

Сўзимнинг охирида айтмоқчиманки, Термизга келиб, ўзбек халқи тинчликни улуғлаб, унинг учун курашиб яшаётганига гувоҳ бўлдим. Бундай олижаноб халқ тўғрисида ҳар хил бўлмағур, асоссиз "миш-миш"ни тарқатишни катта гуноҳ деб биламан.

**Иван ВАЛЮХИН, Россиянинг ТВ-6 канали мухбири**

## СЎЗГА ХИЁНАТ – ЎЗЛИККА ХИЁНАТ

Биргина ёлғон хабар, ҳақиқатга мутлақо ёт бўҳтон кўпчиликнинг тасаввурини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Буни айни дамда Ўзбекистон тўғрисида айрим оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ёлғон ахборотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Россиядаги баъзи бир ахборот воситалари чуқур ўйламай ёлғон хабарларни тарқатаётгани кишини ўйлантиради.

Мен журналист сифатида Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги вазиятни ўз кўзим билан кўриб, бундай "миш-миш"лар ҳеч қандай асосга эга эмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

Албатта, бундай "миш-миш" гаплар ўз-ўзидан тарқалмайди, балки кимларнингдир манфаатига хизмат қилади. Айрим ҳамкасбларимизнинг ана шундай ноҳалол "ўйин"ларга аралашаётгани, сўзга хиёнат қилаётгани кечирилмас ҳолдир. Биз, журналистлар ҳар қандай вазиятда ҳам воқеликка холис ва ҳаққоний баҳо беришимиз зарур.

## ОСОЙИШТА УЙ

Афғонистондаги воқеаларни матбуот нашрлари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар орқали диққат билан кузатиб бормоқдаман. Баъзи бир чет эл матбуотидаги уйдирмаларни эшитиб ақлинг шошиб қолади. Нима эмиш, Термизга яқин жойда "толибон"ларнинг фалон минг жангарилари келиб турганмиш.

Мамлакатимиз бедарвоза эмас-ку! Бундай ёлғон хабарлар билан бизни ваҳимага туширишни ният қилишганми? Айтиб қўяй: ёлғоннинг умри қисқадир.

Ўтган бозор куни, яъни 14-октябрда Термиз шаҳрига туташ Мангузар маҳалласининг Муҳиддин Маматқуловлар хонадонида ўғиллари Гулбиддин ва Афзалиддинларнинг суннат тўйи шарафига ўзига яраша дастурхон ёзилиб, меҳмонлар тўпланишди. Яхши тилаклар орасида юртимиз осойишталиги, хонадонларда яхши кунларнинг кўп бўлишини истаб кўплаб тўй табриклари айтилди. Шундоқ Амударёнинг Афғон тарафидаги қирғоқлари кўриниб турган Мангузардаги тўй бир умр эсда қоладиган даражада ўтди. Давра аҳли дилрабо куй-қўшиқлар оғушида азим Жайҳуннинг нариги қирғоғидаги жангу жадалларни бироз бўлса-да унутгандай бўлишди. Ахир, яхши кун, хурсандчиликнинг садағаси кетсанг арзийди-да!

Бунинг барчасига эса тинчлик керак.

**Шавкат БЎРИЕВ, ҳарбий хизматчи**

## ҚАДР БИЛМАСНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚ

Фавқулодда ҳодисалар ҳаётга янгича кўз билан қарашни, ўтган-кетган воқеаларни мантиқ чиғириғидан ўтказишни тақозо этади. АҚШда содир этилган хунрезликлар одамни чуқур ўйга толдиради. Халқимизда қадр билмаснинг қадри йўқ, деган гап бор. Қадр-бу ростдан ҳам, ҳаёт мазмунини англаб етиш, илгари фақат орзу- армон бўлган, бугун эса реалликка айланган воқеликни тўғри идрок этиш, ҳаётдаги ўз мақсадларини ҳимоя қилиш, рўёбга чиқариш учун курашиш дегани эмасми? Одам қадри топталса, безовта бўлади. Бу унинг ҳаётидан кўзланган мақсадларига тажовуз қилганлиги учун эмасми?

Халқимиз америкаликлар бошидан кечирган мусибатдан чуқур изтиробга тушди. Негаки, терроризм нима эканлигини биз яхши биламиз. Тошкентдаги 1999 йил 16 феврал воқеаларини ва ундан кейин мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари сарҳадларида юз берган ёвуз ниятли террорчиларнинг хуружлари ҳали ҳеч кимнинг қалбидан ўчмаган.

Президентимиз Ислом Каримов **"Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" номли асарида таъкидлаганидек, энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга олиб келмоқда.**

Мустақилликка эришгандан буён 10 йил муддат ўтди. Мамлакат иқтисодиётида бирорта МДҲ давлатларида бўлмаган иқтисодий кўтарилишга эришилди. Мамлакатда чуқур иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, айниқса, маънавий дунёда, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шундай бир шароитда ўзларини "адолатпарвар мусулмонлар" деб ёки "исломпарварлар" деб номлаган газандалар халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини нотинч қилишни ўзларига мақсад қилиб олди. Улар бу йўлда ҳар қандай хунрезликларга, ғайриинсонийликларга, шафқатсизликларга, тубанликларга берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, улар дин ниқоби остида ўзларининг жирканч мақсадларини амалга оширишга интилмоқдалар. Биз бундай кучларга қарши бефарқ тура олмаймиз. Халқаро террорчилар ва экстремистларга қарши биргаликда, ҳушёр ҳолда кураш олиб борсаккина, инсониятга кулфатлар келтираётган бу ёвузликни енгишимиз мумкин эканлигини ҳар биримиз бутун вужудимиз билан ҳис этиб турибмиз.

**Ҳамро ЧОРИЕВ, Бухоро тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори**

# СИГИРГА ҚЎЙИЛГАН "ДАТЧИК"

## *Ёки чет эл тажрибаси ҳақида*

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти кўлами тус олиб бораётган экан, бу борада чет эл тажрибасини ўрганиш, амалга изчил тадқиқ этиш ҳам ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Шу маънода мен 2000 йилнинг 21 майидан 20 июнига қадар Исроил мамлакатида "Сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш" ўқув курсида иштирок этдим. Ростини айтганда, Исроилда сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш борасидаги тажрибани кузатиб, ҳавасим келди. Энг аввало, амалдаги қонунга кўра, Исроилда ҳар бир фермер қармоғидаги қорамоллар сони 100 тадан ошмаслиги (фақат соғин сигирлар) керак экан. Соғиб олинган сутларни эса ферманинг ўзида қайта ишлаш тўла йўлга қўйилган экан. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Исроилда фермерларнинг 95 фоизи ўзнинг шахсий сутни қайта ишлаш цехига эга. Фермерлар сутни у ёқдан-бу ёққа ташиб сарсон бўлиб юришмайди. Энг муҳими, қайта ишланган сутдан камида 10 хил маҳсулот олинар экан. Бунинг устига фермерлар қармоғидаги ҳар бир соғин сигир кунига 3 маҳал соғиб олинади. Бир кунлик сутнинг миқдори эса 40-45 литр сутни ташкил этади. Бу кичкина кўрсаткич эмас. Қайта ишланган сут ферманинг ўзидаги махсус дўконларда аҳолига сотилади.

Мени ҳайратга солган жиҳатлардан яна бири шуки, сигирларни махсус компьютерлаштирилган воситалар асосида соғиб олиш тўла йўлга қўйилгани бўлди. Бу ҳол, ҳеч шубҳасиз, иш унумдорлигининг ўсишини таъминлайди.

Шу билан бирга иш шундай ташкил этилганки, қайта ишланган сут маҳсулотлари ҳеч қачон туриб қолмайди, ички ва ташқи бозордаги талаб ҳамиша инобатга олиб борилади. Айниқса, ака-ука Исаклар ишлаб чиқарган пишлоққа Франция, Италия сингари қатор давлатлар ишбилармонлари томонидан берилган буюртмаларни кўриб ҳайратга тушдим. Яна бир томони ҳар бир соғин сигирнинг оёғига махсус "датчик" қўйилган. Бундан кўзланган мақсад — ҳар бир соғин сигир қанча ем, қанча хашак ейишини назорат қилиб боришдир. Бундан ташқари сигирларнинг вазни ҳар соатда махсус торозиларда ўлчаб турилади. Сигирларга ем-хашак бир кунда фақат бир марта, эрталаб соат 9⁰⁰ да берилади. Озиқабоп ем-хашак эса махсус заводда тайёрланади Унинг таркиби камида 40 хил ўт-ўландан иборат бўлади. Махсус озуқабоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод эса бутун мамлакатда 2 та, хашак ишлаб чиқарадиган завод 6 та экан. Шунинг учун фермер хўжаликлари ем-хашакнинг ортиқ ташвишини қилишмайди. Балки йилнинг исталган даврида заводга буюртма бериб, ўзларига керакли миқдорда озуқа олишади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Исроилда озуқа етиштиришни деҳқон-фермер хўжаликлари ўз зиммасига олган. Буни янада аниқроқ айтадиган бўлсак, мамлакатда ем-хашак етиштиришга ихтисослашган деҳқон фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Улар ўзлари етиштирган хашакни заводларга топширишади ва у ерда турли 20-25 хил озуқа тайёрланади. Буни биргина соғин сигирларга алоҳида, ғунажинларга алоҳида, новвосларга алоҳида, бузоқларга алоҳида, қўй-эчкиларга алоҳида озуқа ишлаб чиқарилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Озуқани фермерга етказиб беришни ҳам завод ўз зиммасига олади.

Қисқаси, мен Исроил мамлакатидан катта таассурот билан қайтиб, ўзимнинг фермер хўжалигимда ҳам ишни шу тажриба асосида ташкил этишни ният қилдим. Чунки бу тажрибанинг фермер хўжаликлари учун катта фойдаси бор. Биргина фермер хўжалигида сутни қайта ишлайдиган цехлар ташкил этиш мисолида олиб кўрадиган бўлсак, кўп нарса ойдинлашади.

Масалан, биз, фермерлар бугун 1 литр сут ишлаб чиқариш учун ўрта ҳисобда 200 сўм миқдорида харажат сарфлаймиз. Бунга иш ҳақи, ем-хашак таннархи, солиқлар, ветеринария хизматлари, энергия, ёқилғи, техника амартизацияси киради. Сутнинг сотилиш нархи эса, транспорт харажатини қўшиб ҳисоблаганда, 70 сўмни ташкил этади. Бундан кўринадики, фермер хўжалиги қарийб ҳар бир литр сутдан 130 сўм миқдорида зарар кўради. Энди буни ўртача 10 тонна сут мисолида олиб ҳисоблайдиган бўлсак, кўриладиган зарарни тасаввур этиш қийин эмас. Бунинг устига сутнинг пули истеъмолчи корхона томонидан ўз вақтида тўлаб борилса, яхши. Аммо тўлов муддати чўзиб юборилса-чи?! Унда тадбиркор ўзи етиштирган маҳсулот орқасидан икки баравар зарар кўради.

Хўш, энди тадбиркор ўз хўжалигида сутни қайта ишлайдиган заводга эга бўлса-чи?!

Бундай пайтда бутунлай бошқача манзарани кўриш мумкин. Айтайлик, 10 литр сутдан 0,900 грамм пишлоқ, 0,250 грамм қаймоқ, 0,600 грамм қатиқ, 0,400 грамм творог олиш мумкин. Энди бир литр сут фермер учун неча сўмдан айланишини тасаввур қилиб олаверинг. Бугун бозорларимизда 1 кг пишлоқ 1000 сўм, 1 литр қаймоқ 800 сўм, 1 кг творог эса 300 сўмни ташкил этади.

Шу аснода иш юритилса, фермер хўжалигининг молиявий аҳволи нечоғлик юқори бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Агар иш шу тартибда йўлга қўйилса, кредит олишга ҳам эҳтиёж қолмайди.

Қаранг, биргина сутни қайта ишлаш заводи фаолияти йўлга қўйилиши фермерга моддий жиҳатдан нечоғлик кўп фойда келтиради.

Буларни айтишдан мақсадим, биз фермерлар ўз фаолиятимизни ҳар кун такомиллаштириб беришимиз, бу борада чет элнинг илғор тажрибаларини изчил ўзлаштиришимиз даркор.Шундагина бизнинг тадбиркорлик фаолиятимиз кўлamли тус олади, ишимиз кутилган самарани беради.

**Моҳира ЭШҚОБИЛОВА,**
**Яккабоғ туманидаги "Алтай" фермер хўжалиги раисаси**

---

Мамлакатимизда бугун тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, бу соҳага иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи, деб қаралаётган бир пайтда айрим маҳаллий раҳбарларнинг сусткашликка йўл қўйиши, баъзан эса атай сунъий тўсиқлар яратиши кечирилмас ҳол, албатта.

Хусусан, бу фикрнинг исботини Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида рўй берган воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, мазкур туманнинг "Бирлашган" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Водий" фермер хўжалиги 1999 йил 26 феврал кундаги 93-сонли қарор асосида ташкил этилган, унинг ихтиёрига 50 гектар ер майдони ижарага берилган.

Аммо фермер сифатида астойдил иш бошлаган А.Аҳмедовнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Нега дейсизми?!. Гап шундаки, ҳамма бало маҳаллий раҳбарларнинг ишга тўраларча муносабатда бўлиши, икки қадам нарини кўролмаслигидан бошланди.

Туман ҳокими Р.Нормуродов ва "Бирлашган" ширкат хўжалик раиси Р.Нормуҳаммедов тадбиркорга кўмак бериш, уни қўллаб-қувватлаш, "Водий" деҳқон-фермер хўжалигининг пахта етиштирилган майдонини (2001 йил 28 июн куни) 120 кв,метрини ҳеч бир сабабсиз бузиб ташлаш ҳақида буйруқ берган.

Шу йилнинг июл ойида эса 3 гектар майдондаги ғўзалар ноқонуний тарзда ҳайдаб ташланган.

## БЕВАҚТ ШУДГОРЛАНГАН ПАХТАЗОР

Бу раҳбарларнинг ғайриқонуний ишига Сайхунобод туман 2-МКК қўшма корхона ходими Б. Қодирқулов техника билан яқиндан "ёрдам" берган.

Хўш, бу ғайриқонуний хатти-ҳаракатни қандай изоҳлаш мумкин? Раҳбарман, дея кўкрак кериб юрган кишилар тадбиркорни қақшатиб, нега бундай ишга қўл урищди?

Раҳбарларнинг бундай кўрқўрона ишидан қаттиқ ранжиган "Водий"деҳқон фермер хўжалиги раиси А.Аҳмедов вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг иш фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида кўриб чиқилди. Қонун ҳамиша ўз сўзини айтади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суд ёрдамида жавобгарлар Р.Нормуродов, Р.Нормуҳаммедов ва Б.Қодирқуловлардан "Водий" деҳқон фермер хўжалик фойдасига 1010369 (бир миллион ўн минг уч юз олтмиш тўққиз) сўм моддий зарар ҳамда 1029622 (бир миллион йигирма тўққиз минг олти юз йигирма икки) сўм маънавий, жами 2039991 (икки миллион ўттиз тўққиз минг тўққиз юз тўқсон бир) сўм, шунингдек, жавобгарлардан 407998 (тўрт юз етти минг тўққиз юз тўқсон саккиз) сўм 20 тийин давлат божи ундириладиган бўлди.

Албатта, бу иш қонуний якун топди. Лекин унинг кишини ўйлантирадиган жиҳатлари кўп. Аввало, раҳбар шахс нега амалдаги қонунларни писанд қилмай тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқини паймол этди? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Энг аввало, раҳбар шахс фидойи, оқил, бугунги давр талабини чуқур ҳис этиб, қўл остидагиларни доимо илгари бошлаши лозим. Шундагина иш юришади, одамлар ундан миннатдор бўлади.

Акс ҳолда эса, Сайхунобод тумани раҳбарлари сингари уялиб қолади.

**Зокиржон ОТАБОЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи**

---

# ШОФИРКОНДА ЕР ДЕҲҚОНДАН ОЛИБ КИМГА БЕРИЛАДИ?

*ёки*

*яхши ниятлар билан фермер хўжалиги тузмоқчи бўлган деҳқон Рустам Ҳамдамовнинг таҳрирсиз хати*

Мен узоқ йиллардан бери «Шофиркон» жамоа хўжалигида ишлайман. 1990 йилдан хўжаликнинг Ҳамробой чўл массивидаги ерларни ўзлаштиришда иштирок этдим, дончилик билан шуғулландим. Қарамоғимда тўрт нафар фарзандим бор, ўттиз километр узоқда жойлашган чўлда ёзнинг жазирамаси, қишнинг совуқ кунларига чидаб, топганимга қаноат қилиб ишлаётган эдим.

Кутилмаганда хўжалик раиси Вали Шукуров «Энди сизга жавоб, ерни бошқа кишига бераман», — деб қолди. Нега, деган саволим жавобсиз қолди. Ўн гектар ер олиб фермер хўжалиги ташкил этмоқчи эдим. Шу ниятимни маълум қилиб, туманимиз ҳокими Олий мажлис депутати Эркин Ҳайдаровга ариза ёздим. Туман ҳокими ниятимни тўғри тушуниб, ёзма равишда маълум қилдилар. Қувондим.

20 августда менга ер ажратишларини сўраб хўжалик бошқарувининг раиси Вали Шукуров номига ариза ёздим. Ҳамма машмаша шундан сўнг бошланди. Раис аризамга имзо қўймади, сизга ер берилмайди, деб кетма-кет рад жавобини берди. Оғир-босиқлик билан чидадим, қишлоқнинг обрўли кишиларини ўртага қўйиб, ойлаб қатнаб, ниҳоят, аризамга имзо чектиришга эришдим. Шунда у майли, боравер, барибир, ернинг челига ҳам қадам босолмайсан, деб кўнглимни синдирди. Раис ҳақ бўлиб чиқди — фермер хўжалиги тузиш учун кўплаб ҳужжат тайёрлаш, ҳар бирига раиснинг имзоси бўлиши шарт экан. Бу орада «Рустам-Ҳамдам» фермер хўжалигини ташкил этиш ҳақида Қалмоқон қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори ҳам чиқди. «Бизнес режа» тузилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга сарфланадиган ҳаражатлар ва даромад олиниши кутилаётган режага ҳар икки томоннинг имзоси бўлмаса, фермер иш бошлаёлмайди. Бариси қоғозда қолиб кетади. Август ойи ўтди, сентябр, октябр ойлари ўтди, ҳисоб. Мен эса ҳамон хўжалик раиси Вали Шукуровнинг инсофга келишидан умидворман. Вақт ўтаяпти, ерга уруғ сочиш керак. Тоқатим тоқ бўлиб, туман ҳокимининг ўринбосари Наби Ҳайдаровга мурожаат этдим, вазиятни тушунтирдим. Ҳоким ўринбосари ҳужжатлар билан танишгач, «Боринг, раисга айтаман, имзо қўяди, у билан келишиб ишланглар», деб кўнглимни кўтарди. Ҳужжатларни қўлтиқлаб, тўғри раисга учрашдим. Ўхў, мен билан гаплашгиси ҳам келмади, на саломга алик, на жавоб? Тўғриси, бундай муомала жонимдан ўтиб кетди, бир қишлоқнинг боласи, кечагина ўзимдек лой шувоқли уйда туғилиб-ўсган Вали Шукуровнинг бу қадар ўзгарганидан ҳайронман. Ҳоким ўринбосари «Раис раис-да, у билан келишиб ишланг», дейди. Ахир, келишишнинг йўли нима экан, шу йўлни тополмаяпман.

Айни пайтда Ҳоким ўринбосари Наби Ҳайдаров кимларга ер ажратилаётганидан яхши хабардор. Раис Вали Шукуров хўжаликнинг мол-мулкини сотиш, хоҳлаган кишига ер ажратиш ва шахсий уй қуриш билан банд. Раис жаноблари ўйламайдиларки, узоқ йиллардан буён хўжаликда тер тўкиб келаётган оддий деҳқоннинг ҳам орзу-ҳаваси, тирикчилиги бор. Ахир, хўжаликнинг ери раиснинг отасидан мерос қолмаган-ку?! Ишлайман деган кишига бу қадар тўсқинлик, оворагарчилик, камситиш... «Ҳокимга бориб кўрдинг, ўринбосарига арз қилдинг, фойдаси бўлдими, сен буни тушунмайсан, сендек ўнта деҳқон билан ишлагандан кўра, обҳавони биладиган битта тижоратчи яхши, боравер, туманда яна арз қилувчи идоралар кўп деб «кузатиб» қўйди раис.

Такрор айтаман, мен арзчи эмасман. Юрт фуқароси сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқимни қонуний талаб қилаяпман. Тўғри, туманимизда, вилоятимизда арз қиладиган идоралар кўп, прокурор бор, адлия идораси бор, ушбу идораларнинг эшиги мендек деҳқонлар учун ҳамиша очиқ. Аммо мақсадим идорама-идора юриб, вақтни бой бериш эмас, деҳқончилик қилмоқчиман. Раиснинг айби билан ҳамон ер экилмаяпти, мен зарар кўраяпман. Мен билан бирга, мендан сўнг фермер хўжалиги тузиш учун ҳужжат тайёрлаган биродарлар — таксичи, қассоб, савдо-тижоратчи, ошпаз ва бошқалар аллақачон ерларига уруғ сочишди. Ҳайронман, ер нима, экин нима билмаганларга оппаосон ер ажратилса-ю, умрини ерга бағишлаган, деҳқончиликдан бўлак тирикчилиги бўлмаган мендек кишини ойлаб, йиллаб овора қилишса? Майли, эплаган қандини урсин, лекин юқорида санаганларим мендек деҳқонларни ўз ерларига ёллаб ишлатишади, ўзлари ишламайди, чунки уларнинг вақти йўқ, бошқа юмушлари бор.

Ҳурматли қонун тарғиботчилари! Мен ўз фермер хўжалигимни тузмоқчиман. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов, деҳқон бой бўлса, мамлакат обод бўлади, деб айтганларидан фахрланаман.

Юртбошимизнинг сўзлари кучимга куч қўшади, шу йўлдан ҳалол-пок боришга аҳд қилганман. Аммо,бу йўл — мен танлаган йўлга тўсиқлар қўйилмоқда. Ҳоким ўринбосари Наби Ҳайдаровга учраб, вазиятни тушунтириб хато қилибманми деган ўйдаман. Чунки раис ҳоким ўринбосарига учраб, қўлингдан нима келди, деб кўп бора юзимга солди. Хуллас, тузилган бизнес режа режалигича қолиб кетаяпти, ойлаб югурганларим, қоғозларга ачинаман. Кўнглимда борини газетага очиқ ёздим, хўжалигимизда кечаётган бугунги жараён ҳақида қизиқсангизлар кўп нарсаларга ойдинлик киритилган бўлар эди. Амалий натижа кутиб:

**Рустам ҲАМДАМОВ,**
**дончилик бригадаси бошлиғи**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда ташаббускор, ғайрат-шижоатли тадбиркорларнинг алоҳида ўрни бор. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида бу ҳақида куюниб сўзлади.***

***Ўтган фурсатда жойларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатлари қонун асосида таъсирли ҳимояланмоқда. Афсуски, ислоҳотлар моҳиятини тушунмай деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаолиятига тўсиқ бўлаётган раҳбарлар ҳамон учраб турибди. Таҳририятимизга келаётган баъзи бир хатлар бунинг исботидир.***

***Шофирконлик деҳқон Рустам Ҳамдамовнинг мактуби бизни бефарқ қолдирмади. Мактубда келтирилган далилларни холис текшириш — журналист суриштируви ўтказиш ниятидамиз. Ҳозирча эса мактубни эълон қилиб, туман ҳокимлиги ва прокуратурасидан аниқ жавоб кутамиз.***

---

# ТАДБИРКОР — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи экан, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Биз Андижонлик адлиячилар ҳам бу соҳада зиммамизга юклатилган бурчни адо эта бориб, жойларда тадбиркорлик ҳаракатига ғов бўлаётган баъзи бир тўсиқларни олиб ташлашга ҳаракат қиляпмиз.

Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, шу йилнинг ўтган даври мобайнида бошқармамиз томонидан киритилган даъво аризаларига кўра фуқаролик ишлари судлари томонидан 30 та даъво аризаси (17 миллион 348 минг 187 сўмлик) тўла қаноатлантирилди. Шундан 16 миллион 630 минг 187 сўми моддий, 718 минг сўми эса маънавий зарар ҳақидир.

Хўжалик судларига эса 18 та (64 миллион 370 минг 865 сўмлик) даъво аризаси киритилди. Улардан иккитаси (1 миллион 420 минг сўм) тўла, биттаси (1 миллион 651 минг 400 сўм) қисман қаноатлантирилди. Бу аризаларнинг бир қисми бўйича келишув битимлари тузилди.

Бу фактлардан кўриниб турибдики, эндиликда тадбиркорлар ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб адлия бошқармаси, суд идораларига мурожаат қилмоқдалар. Ўтган даврда бошқармамизга тадбиркорликка оид 68 та ариза келиб тушган. Бу аризаларнинг 65 таси кўриб чиқилди, уларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилди.

Бизнинг даъво аризамиз билан Балиқчи туманидаги "Раҳматилло" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаган иш Избоскан туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилди. Тумандаги "Шердончек" ширкат хўжалиги раҳбарлари фермер хўжалигининг 1 миллион 210 минг сўмлик маҳсулот ҳақини тўламай келган. Натижада суд шартнома талаблари бузилганлиги учун ширкат хўжалигидан 181 минг 500 сўм жарима ва 605 минг сўм пеня ҳамда 25 минг сўмлик етказилган маънавий зарарни хўжалик раиси F.Аҳмаджонов, бош ҳисобчи Р.Солиевларнинг "чўнтаги"дан ундириб берди.

Булоқбоши туманидаги "Найман" ва С.Турғунов номли фермер хўжаликларининг раҳбарлари Н.Абдукаримов, С.Ҳасановлар шоли экканликлари учун "Андижонсув назорати" инспекциясининг Булоқбоши тумани бўйича назоратчиси А.Юсуповнинг қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилган. Ваҳоланки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 75-1-моддасида бу каби ҳуқуқбузарлик белгиланмаган. Унинг фермерларга жарима солиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритилди.

Эндиликда Адлия вазирлиги томонидан жорий этилган "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" туфайли бундай ноқонуний ишларга чек қўйиляпти.

Бугунги кунда Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида вилоятимизда тадбиркорлик кенг қулоч ёйяпти. Биз унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун ишбилармону тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Бу соҳада маҳаллий матбуот, радио ва телевидение имкониятларидан самарали фойдаланяпмиз.

Биз тадбиркорларнинг ўзлари ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлишлари, ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга ўргатиш ҳаракатини бошладик. "Ишонч телефон"лари орқали эса ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга киришдик.

**"Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови"**. Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишдаги нутқида айтган бу гапларининг амалга ошишида, тадбиркорликни бюрократик аппарат зўравонлигидан ҳимоя қилиш, ҳеч кимга керак бўлмаган текширув ва тафтишларнинг олдини олиш бизнинг кундалик вазифамиз бўлиб қолаверади. Бунинг учун шаҳар ва туманларда тадбиркор-фермерлар учун доимий ўқишлар ташкил этяпмиз. Шартномаларни тузишда ҳуқуқий ёрдам бераяпмиз ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб бораяпмиз.

**Абдураҳим ТУРҒУНОВ,**
**Андижон вилояти**

---

# КИЧИК ЗАВОД ОЛДИДАГИ КАТТА ТЎСИҚЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг ярим йили якунларига бағишланган йиғилишида, Олий Мажлиснинг охирги сессиясида Президентимиз Ислом Каримов кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб бериш борасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш ҳақида ҳаққоний ва тўғри фикрларни таъкидлаб айтгандилар. Аммо баъзи мансабдор шахслар Президентимиз қўйган талабларни тўла тушуниб етмаяптилар, баъзан эса бундай шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракати оқибатида тадбиркорлар зарар кўрмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Музработ туманидаги "Шариф-Н" хусусий фирмаси директори Нишон Ҳайиталиев кичик ёғ заводини қуриш учун салкам икки йил қимматли вақтини аямади, заводни ишга тушириш учун топган маблағи, мол-мулкини сарфлади.

Ниҳоят, бир суткада 50 тонна чигитни қайта ишлайдиган кичик заводни ишга ҳам туширди. Шу йилнинг сентябр ойига қадар 250 тонна чигит қайта ишланиб, завод рисоладагидек синовдан ўтди, ишлаб чиқарилган ёғ, шелуха ва кунжаралар фермер хўжаликларига тарқатилди. Тумандаги фермер хўжаликлари ҳам мазкур заводнинг ишга тушганидан беҳад хурсанд бўлди. Нима деганда улар Денов туманидаги ёғ заводига бориб, овораи сарсон бўлишдек дахмазадан қутулган эдилар.

Тадбиркор ўзи чеккан заҳматнинг самарасини кўргунга қадар қанчадан-қанча қоғозбозлик, югур-югур, айрим мансабдор шахсларнинг эшигида сарғайиб ўтиришларни бошдан кечирди.

"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг тақсимотига кўра "Шариф-Н" хусусий фирмасига жорий йилнинг сентябр-декабр ойларида қайта ишлаш учун жами тўрт минг тонна чигит ажратилди.

Тадбиркор, ҳеч шубҳасиз, чигит ажратилганидан беҳад қувонди. Чунки хомашё етарли бўлса, завод ҳам ишлайди-да. Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади. У чигитни олиш учун наряд илтимос қилиб уч марта "Сурхонпахта" ҳиссадорлик бирлашмаси раиси ўринбосари Алимардон Шоймардонов ҳузурига қатнади. Алимардонбой эса вилоят ҳокимлигининг рухсати кераклигини рўкач қилиб, чигитни бериш тўғрисида туман пахта заводларига тегишли тақсимотни бермади.

Н.Ҳайиталиев ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида вилоят адлия бошқармасига 10 сентябр куни мурожаат қилди. Вилоят Адлия бошқармаси томонидан шу куни "Сурхонпахта" ҳиссадорлик бирлашмаси раиси С.Тўйчиев номига талабнома юборилиб, қонуний нуқтаи назардан корхонага чигит бериш сўралди. Алимардон Шоймардонов-ку, майли, аммо Салим Тўйчиев ҳам сўровномани назар-писанд қилмади.

Вилоят адлия бошқармаси Салим акага ва Алимардонбойга амалдаги қонунларга биноан маҳаллий ҳокимият идоралари хом ашё тақсимоти билан шуғулланмасликлари, хусусан, чигит тақсимоти Вазирлар Маҳкамасининг мутлоқ ваколатига киришини тушунтиришга ҳаракат қилди, аммо улар қайсарлик билан қонун талабини тушунишни хоҳламади.

Хусусий фирма сентябр ойида қайта ишлаши лозим бўлган 1000 тонна чигитни 24 сентябрга қадар ололмади. Корхонанинг 18 та ишчиси 20 кун бекор туриб қолди, фирма ишчиларни сақлаб қолиш учун уларнинг бекор турib қолган кунлари учун 120000 сўм иш ҳақини тўлашни ўз зиммасига олди.

Мансабдор шахсларнинг атай сунъий тўсиқ яратиши энди оёққа турган фирма учун қимматга тушди. Сентябр ойининг 20-кунида олиниши лозим бўлган 9 млн. сўмдан ошиқ соф фойда бой берилди. Давлат бюджетига тўланиши кўзда тутилган 40 млн. сўмдан ошиқ маблағ давлат хазинасига тушмасдан қолди.

Охири, ҳиссадорлик бирлашмаси бошлиғи С.Тўйчиев инсофга келиб, 24- сентябр куни Музработ тумани пахта заводидан 400 тонна, масофаси 30-40 км бўлган Шеробод ва Ангор туманлари пахта заводларидан 300 тонадан чигит ажратиб бериш ҳақида кўрсатма берди.

Ҳайиталиев ҳам 1000 тонна чигитни Музработ тумани пахта заводидан берилишига умид қилганди, агарда чигитни ҳаммаси Музработ тумани заводидан берилса, корхона чигитни масофаси 3 км бўлган заводдан ташиб келтириб, бошқа туманлардан чигит ташишга кетган ҳаражатларни тежаб, бу маблағни заводни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга ишлатган бўларди.

Биз кичик ёғ заводининг иш фаолияти билан танишганимизда, унинг ҳудуди жуда кичкина эканлиги, у билан чегарадош Болдир нефт маҳсулотлари корхонасига қарашли базанинг икки гектарлик ери ва бинолари, қурилиш монтаж бошқармасига қарашли 1 га ер майдони икки-уч йилдан буён фойдаланилмай, қаровсиз ётганлигига гувоҳ бўлдик.

Албатта, бу ўринда Музработ туман ҳокимлиги ана шундай истиқболли корхонани қўллаб-қувватласа, амалий ёрдам кўрсатса, қўшимча ер майдони ажратишса, нур устига нур бўлган бўлар эди.

Ҳиссадорлик бирлашмаси раиси С.Тўйчиев, унинг ўринбосари А.Шоймардоновнинг ўзбошимчалиги қонун ва адолат тарозусига қўйиб баҳоланди. Ўзбекистон Республикасининг 25 май 2000 йилдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ва Фуқаролик кодексининг талабларидан келиб чиқиб, С.Тўйчиевдан 700.000 сўм моддий зарар, 200,000 сўм маънавий зарар, унинг ўринбосари А.Шоймардоновдан 300.000 сўм моддий зарар ва 100.000 сўм маънавий зарарни Нишонбой Ҳайиталиев фойдасига ундириш ҳақида Термиз туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Албатта, суд одилона қарор чиқаради, яъни қонун ўз сўзини айтади.

Шу билан бирга адлия бошқармаси томонидан "Ўзпахтасаноат" Акционерлик уюшмаси раисига "Сурхонпахтасаноат" Акционерлик бирлашмаси раҳбарлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва тадбиркорга амалий ёрдам бериш хусусида тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома юзасидан Республика ташкилоти ўзининг муносабатини билдиради деган умиддамиз.

Тадбиркорликнинг ривожланишига ғов бўлаётган баъзи раҳбарлар қонун ҳамма учун баровар эканлигини унутмасликларини истаб қоламиз.

**Р.ИБРАГИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти**




---

## *Қарор ва ижро*

# НАФС ҚУТҚУСИ — АҚЛ КУШАНДАСИ

Сирдарё вилояти прокуратураси идоралари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "2001 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2001 йил 13 август қарорининг ижроси алоҳида назоратга олинган бўлиб, тегишли назорат идоралари билан ҳамкорликда текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Терим ишларида мавжуд 296 та пахта териш машиналаридан 48 таси ишлаган, шундан 196 та "КЕЙС" комбайнлари бўлиб, уларнинг биронтаси биринчи теримда пахта қолмаганлиги сабабли ишлатилмаган.

Ўтказилган текширишлар жараёнида қуйидаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, "Сардоба" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли Меҳнатобод туманида жойлашган "Меҳнатобод" пахта қабул қилиш пункти 1-зона товаршуноси З.Нарзуллаев тумандаги "Пахтакор" ширкатлар уюшмаси ва 29 та фермердан 52503839 сўмлик "С-6524" навли пахта хом ашёсини қабул қилиб олган бўлса-да, ПК-17 ва юк хатларига 50010915 сўмлик "АН-Боёвут-2" навли пахта хомашёси қабул қилинганлиги тўғрисида сохта ўзгартишлар киритиб, хўжаликлар манфаатига 2492924 сўмлик зарар етказган. Мазкур ҳолат бўйича 4 октябр куни Меҳнатобод туман прокурори томонидан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми ва 209-моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу тумандаги "Пахтакор" ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Ҳаққулобод" фермер хўжалиги раиси А.Аҳмедов Янгиер шаҳридаги 4-мактаб ўқувчилари томонидан 16-21 сентябр кунлари терилган пахта учун банкдан 157900 сўм нақд пул олиб, фермер хўжалигига кирим қилмасдан, ўқувчиларга тарқатмасдан, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборганлиги аниқланган. Бугунги кунда терим пуллари ўқувчиларга тарқатилган.

Гулистон туманидаги "Пахтаобод" пахта қабул қилиш пунктида 6 октябр куни ўтказилган назорат текширувида эса "Баҳром" ва "Элмурод"фермер хўжаликларидан 7 тонна пахта хомашёсини 3/2 навга тааллуқли бўлса-да 4/1-навга қабул қилиб, уларнинг манфаатларига 75390 сўм зарар етказганлиги аниқланди.

Ҳолат бўйича етказилган зарарни хўжаликларга қайтариш тўғрисида пункт раҳбари М.Қудратовга амрнома берилди ва лаборатория мудири З. Мусурмонқуловага нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

"Сайхунобод" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти қошидаги "Наврўз" пахта қабул қилиш корхонаси 2-зона товаршуноси С.Аккулиев Сайхунобод туманидаги "Бирлашган" ширкатлар уюшмасидан олиб келинган 1 тележка пахтадан 176 кг уриб қолган.

Ш.Рашидов туманидаги "Пахтаобод" пахта қабул қилиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли пахта қабул қилиш пункти "Янги хаёт" фермер хўжалигидан қабул қилинган пахта 3/2 навга тааллуқли бўлса-да 4/1 - навга, Узоқов номли пахта қабул қилиш пункти "Ғалаба" фермер хўжалигининг топширган пахтаси 2-навга оид бўлса-да, 4/1-навга, "Қўшчинор" номидаги пахта қабул қилиш пункти "Нурбек" фермер хўжалигининг пахтаси 2/3 навга тааллуқли бўлса-да 4/2 навга қабул қилиб, давлат стандари талаблари бузилганлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича лаборатория мудирлари Ж.Каримов, З.Абдуллаева ва Ф.Содиқоваларга нисбатан интизомий ишлар қўзғатилди.

Сирдарё тумани "Янги хаёт" ширкатлар уюшмасида ишловчи фуқаро У.Бобоев 2 октябр куни 102 кг 7812 сўмлик пахта хом ашёсини Қозоғистон Республикасига ўтказмоқчи бўлганида ушланган.

"Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасининг 0,7 гектар пахта майдонини фуқаролар М.Алибоева ва Н.Алимоваларнинг 6 бош қорамоллари пайҳон қилиб, 15100 сўм зарар етказилганлиги аниқланди ва МЖТКнинг 104-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, зарар ундириб олинди.

Шунингдек, мазкур хўжаликнинг 0,9 гектар пахта майдонини фуқаролар Ж.Шоназаров ва Б.Ортиқовларнинг 7 бош қорамоллари пайҳон қилиб, 20160 сўм зарар етказилганлиги аниқланиб, улар маъмурий жавобгарликка тортилди ва зарар ундирилди.

Боёвут туманидаги У.Юсупов номидаги ширкатлар уюшмасида 4 та СКО-3, 6 кўрак териш машинасининг 3 таси, 3 та YIIХ-1, 5 кўрак чувиш машинасининг 2 таси носоз ҳолда эканлиги аниқланиб, хўжалик бош муҳандиси У.Ҳошимовга нисбатан интизомий иш қўзғатилди ва қонунбузилишини бартараф этиш тўғрисида хўжалик раисига амрнома берилди.

Оқолтин туманидаги "Обод" фермер хўжалиги раиси Д.Мансуров хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, пахта экилиши лозим бўлган 3 гектар майдонга қонунга зид равишда полиз экинлари экиб, қолган 19 гектар майдонга умуман пахта экмасдан давлатга 962160 сўмлик зарар етказганлиги аниқланган.

С.Сиддиқов номидаги ДФХБ 1-бўлим раиси А.Анкаев "МТЗ-80" тракторини сақлаш чораларини кўрмаганлиги натижасида 18900 сўмлик, 9-бўлим раиси О.Эргашев "МТЗ-80" тракторини сақлаш чораларини кўрмаганлиги натижасида 13600 сўм зарар етказганлиги аниқланиб, улар моддий жавобгарликка тортилиб, зарар ундирилди.

Бобур номидаги ДФХБ да теримда қатнашган Гулистон қурилиш техникуми ўқувчиларига 24-30 сентябр кунлари терилган пахта учун 141020 сўм пул тарқатилмаганлиги аниқланиб, техникум директори Р.Бултаковга амрнома берилди ва қонунбузилиши бартараф этилди.

2001 йилнинг 10 октябр кунига қадар ўтказилган текширишлар натижасига кўра қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 28 тақдимнома, 166 амрономалар киритилиб, 154 мансабдор шахслар қонунбузилишларга йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган, 30 моддий, 104 интизомий, 82 маъмурий, 11 жиноят ишлари қўзғатилди, етказилган зарарларни ундириш тўғрисида судларга 19 даъво аризаси киритилди, қонунчиликка оид ҳокимликларга 15 та ахборотнома юборилди.

**Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Сирдарё вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи**

*Ҳуқуқий маърифат*

# ҲУЖЖАТЛАРНИНГ МУКАММАЛ ТИЗИМИ

**Қонун устуворлиги тамойилига қатъий риоя қилиш барчамиз учун одат тарзига айланиб бормоқда. Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида (2000 йил 14 декабрь) қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун ҳам ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлганди. Мухбиримизнинг Адлия вазирлиги жамоат бирлашмалари бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари Жалолбек Абдусатторов билан қилган суҳбат мавзуи ҳам шу тўғрида.**

**— Аввало, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг ўзига хос жиҳатлари хусусида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Мазкур қонун ҳам ижтимоий заруратнинг тақозосига жавобан яратилди. Ушбу ҳужжат моҳиятан қонунлар тўғрисидаги қонун деб юритилади. Бунинг боиси шундаки, мазкур қонун орқали бевосита қонунларнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Мухтасар қилиб айтганда, муайян бир қонун ва унинг амал қилиши билан алоқадор бўлган қонун ости ҳужжатларини турмушга тадбиқ этишга доир масалалар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг моҳияти, мазмуни, уларнинг ижроси билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолатлар муайян тизим тарзида шакллантирилган.

**- Норматив — ҳуқуқий ҳужжат тушунчасига изоҳ берсангиз?**

**— "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив—ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

**— Қандай ҳужжатлар норматив — ҳуқуқий ҳужжат саналади?**

— Қуйидагилар норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

в) Олий Мажлис қарорлари;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;

д) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

е) Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

**— Қонун ҳужжатлари мажмуига қандай ҳужжатлар киради?**

— Мазкур қонуннинг 6-моддасига биноан норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлиснинг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

**— Қандай ҳужжатлар қонун ости ҳужжатлари дейилади?**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

**— Қандай органлар ва мансабдор шахслар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли?**

— Ушбу қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланадилар.

**— Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатлари нимада?**

— Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ҳукумат қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат, қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

**— Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари нималардан иборат?**

— Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив—ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Асосий Қомусимиз, амалдаги қонунлар, Олий Мажлис, республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

**— Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати ушбу қонунда қандай талқин этилган?**

— Мазкур қонуннинг 14-моддасига асосан турли норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг, юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Асосий Қонунимизга, норматив—ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органларнинг ваколати ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади. Яъни, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа шундай ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

**— Башарти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда уларнинг қайси бири қўлланилади?**

— Бундай ҳолларда, албатта, юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив — ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

**— Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига зид келиб қолган ҳолларда-чи?**

— Бундай вазиятларда амалдаги қонунларга асосан амал қилинади.

Умуман, ушбу қонунда шу нарса алоҳида таъкидланганки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

**— Мазкур қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳолатлари ҳам назарда тутилганми?**

— Ушбу қонуннинг 18-моддасида белгиланишича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Ҳуқуқий экспертиза давомида бундай ҳужжатлар лойиҳасининг амалдаги қонун ҳужжатларига уйғунлиги кўриб чиқилади.

**— Қандай органлар норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза қилишга ҳақли?**

— Қонунда кўзда тутилишича, ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун бундай ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин.

**— Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кучга кириш тартиби ҳақида ҳам қисқача изоҳ берсангиз.**

— Мазкур қонуннинг 26-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлис қарорлари шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин қонуний кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса) Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун жамиятимизда қонунларнинг амалий ижроси билан бевосита боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туради.

**Ҳ.ИБРОҲИМОВ**
**суҳбатлашди**



Олтин даврим менинг — талабалигим!

*Истиқбол эгалари*

# ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

## Сиз бу имтиёздан фойдаланишни биласизми?

**Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг июл ойида қабул қилинган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори республикамизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ёшларнинг таълим олишлари учун янада кенг имкониятлар яратиб беришда ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарорнинг талаба ёшлар ҳаётида нечоғли аҳамияти хусусида Республика "Тадбиркорбанк" бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Тўрабой Қоралиев билан суҳбатлашдик.**

**— Тўрабой ака, "Олий ўқув юртларида тўлов — контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги Низом қоидалари қандай? Талабаларга қандай алоҳида имтиёзлар бор? Бундай қулайлик ва ғамхўрлик талабалар ҳаётида нечоғли акс этмоқда?**

— Аввало, айтиш лозимки, ҳукуматимизнинг келажаги буюк Ўзбекистонимиз ёшлари истиқболини кўзлаб чиқарган мазкур қарори кўп сонли ота-оналар, умидли ёшлар руҳини кўтариб юборди. Эндиликда олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган талаба пулни қаердан топиш муаммосидан қутилди, десак бўлади.

Ушбу Низом қоидаларига кўра таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври эса бу муддатга кирмайди.

Мазкур Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича: чин етимларга, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — фоизсиз кредитлар берилиши керак.

Таълим кредити шуниси билан эътиборлики, кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланмоғи лозим.

Бу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

**— Кредитни расмийлаштириш тартиби билан таништириб ўтасангиз бўлишса керак?**

— Талаба таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этмоғи лозим:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим:

мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

банкнинг кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити берилиши сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

**— Газетхонлар кредит бериш, қайтариш ва фоиз тўловларини амалга ошириш тартиби билан ҳам қизиқмоқда.**

— Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

Бу кредит бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартигача тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йилликнинг биринчи ойи (сентябрь ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

Фоизлар эса қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўланади.

Агар талаба ўқиш даври тугамасдан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти ректорнинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мойбанида бу ҳақда банкка хабар бериши керак, қарз олувчи эса ўз навбатида уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизлар бўйича қарзларни тўлиқ қайтариши лозим.

**Салима ҚИЛИЧЕВА**
**суҳбатлашди**

*Гиёҳвандлик аср вабоси*

# ЁМОНДАН НАФ КЕЛСА, ОРТИДАН ЗАРБ КЕЛАР

Ўттиз тўрт ёшни қоралаб қолган Ёдгор Холиқов туппа-тузук оила бошлиғи, икки нафар фарзанднинг отаси бўла туриб, жамиятимиз учун ўта хавфли иллат — гиёҳванд моддаларини сотиш билан шуғулланган, бу нопок иш унинг тирикчилик манбаига айланган. Сўнг ўзи ҳам оз-оздан унинг "таъмини" таътийдиган бўлган.

Ҳа, у энди гиёҳвандликнинг гирдобига тушиб қолганди. Гирдоб эса тобора кенгроқ айланиб, уни ўз домига тортиб бораётганлигини сезмай ҳам қолди.

— Шу ўлгурни чекманг, дадаси,— деб нолиди турмуш ўртоғи Малоҳат.

— Ишинг бўлмасин , яқинда ташлайман,-деб ёлғон ваъдалар билан алдади ёстиқдошини у.

Гиёҳвандфурушлик қилаётган Ёдгор Холиқовнинг қўшнилари унинг қилмишлари ҳақида ички ишлар бўлимига хабар қилишди. Бу қайта-қайта огоҳлантиришларнинг сўнгги чораси эди. Тезкор гуруҳ томонидан ўтказилган тинтувда Ёдгорнинг хонадонидан 800 миллиграмм "героин" воситаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

— Қаердан олгансиз? — дея сўрашди ундан.

—Танишим Гулжаҳон Зокировадан сотиб олганман,- деди у.

Дастлабки тергов пайтида Гулжаҳон Зокирова бир неча марта ўз гумаштаси Валерий Ковальчукка ҳам гиёҳвандлик воситасини пуллаганлиги аниқланди. Уларнинг ҳамтовоқлари бўлмиш Тожикистон Республикаси Шартуз туманида истиқомат қилувчи Иброҳим Мавлонов ҳам бир неча бор Термиз шаҳрига келиб, уларни "героин" билан таъминлаганлиги ошкор бўлди.

Гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланган 3 нафар фарзанднинг онаси бўлмиш термизлик Боғдагул Қандамованинг қилмиши ҳам ана шу жиноий иш юзасидан олиб борилган тергов натижасида аниқланиди.

Гиёҳвандлик сингари заҳри қотилни сотиш билан кун кўраётган оғуфурушларнинг қилмишлари тўғрисида ён-атрофидаги қўшниларининг ички ишлар бўлимига етказган маълумотлари асосида қора қилмишлар барҳам топганини алоҳида таъкидламоқ керак.

Чунки бир маҳаллада яшаб, кимнинг нима билан шуғулланишини маҳалладошлар ҳаммадан ҳам яхшироқ билишади. Баъзан эса ёнимиздаги қўшнимизнинг аср вабоси бўлмиш "гиёҳвандлик" воситаларини ўз мижозларига ҳеч кимдан ҳайиқмай сотаётганлигини кўриб, кўрмасликка оламиз. Ахир, бундай қора ниятли кишилар ўз "тадбиркор"лиги билан қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлишади. Бу билан жиноятнинг кўпайишига "яшил" чироқ ёқишади. Бас, шундай экан, атрофимиздаги бундай ножўя ишларга бефарқ бўлмайлик. Аср вабосига қарши кураш барчамизнинг жамият олдидаги бурчимиз бўлиб қолиши лозим. Ахир, ёмондан наф келса, ортидан зарб келиши турган гап.

**С. ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




## Савол беринг!

***Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.***

***Ҳурматли таҳририят!***
***Ўзимни қизиқтирган бир-нечта саволга газетангиз орқали жавоб беришингизни илтимос қиламан.***

**М. АБДУЛЛАЕВ,**
**Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани**

1) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси нима вазифани бажаради?

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари қўмитаси, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат органи бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисоб берувчи, ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш назоратини олиб борувчи ташкилотдир.

1) Ер солиғи деганда нима тушунилади? Қандай ҳолларда ер участкаларига солиқ солинмайди?

Ер солиғи юридик ва жисмоний шахслардан ер участкалари учун олинадиган солиқлардир:

а) Юридик шахсларга — мулк қилиб олинган, қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган, корхоналар, бинолар, иншоотлар қуриш учун фойдаланиш учун берилган ерлар.

б) жисмоний шахсларга — якка тартибда уй-жой қуриш, ёрдамчи хўжалик юритиш, мерос, ҳадя, сотиб олинган уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини олган, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ерлар учун олинадиган солиқлар.

Қуйидаги ҳолатларда солиқ солинмайдиган ер участкалари мавжуд: булар — майдонлар, кўчалар, соҳил бўйлари, қабристонлар, давлат қўриқхоналари, ботаник боғлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар, автомобил ва темир йўллар учун фойдаланиладиган ерлар, метрополитен, магистрал сув, газ қувурлари ўтган ерлар, самолёт учиш ва қўниш майдонлари, жисмоний шахслар учун яйлов чорвачилик чўпонлари, ветеринар врачлар, Ўзбекистон қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, "Шуҳрат" орденлари соҳиблари, 1941-45 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, Афғонистон, Чернобль АЭС, I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар ер солиғидан озод қилинган.

3) Фуқароларнинг ер олиш ҳуқуқи нималардан иборат?

Фуқароларнинг ер олиш ҳуқуқи махсус ваколатланган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага олиши мумкин. Ер участкалари олиш учун якка тартибда уй-жой қуриш учун ва хўжалик юритиш учун туман ҳокимлигига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилинади.

4) Ер участкалари қандай ҳолларда бекор қилиниши ва олиб қўйилиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36,38 - моддаларига асосан, ер қонунчилиги бузилганлиги аниқланган ҳолларда; белгиланган мақсадларда фойдаланилмаганда, тупроқ унумдорлиги пасайганда ва экологик талабларга риоя этмаганда, ер тўловини мунтазам бузганда, ердан 2 йил қишлоқ хўжалигида фойдаланмаганда, умрбод эгалик қилиши учун берилган ердан 2 йил мобайнида фойдаланилмаганда ер участкалари бекор қилинади ва олиб қўйилади.

5) Ер қонунчилигини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари, ноқонуний битимлар, олди-сотди, совға қилиш, гаров, сохта тадбиркорлик, ўзбошимчалик билан айирбошлаш — ЖК-175, 179, 197-моддалари, МЖҚ-60-моддаси, ФК-112-моддаси, ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик - ЖК-197, 270-моддалари, МЖК - 105,106-моддалари, ЕК-90-моддаси, ТМҚҚ-47, 48, 52-моддалари, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгалаб олиш — ЖК-204, 229-моддалари, ФК-985-моддаси, ер участкаларини бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқишни белгиланган муддатлари ва тартибларини бузиш; ЖК-205, 208-моддалари, МЖК-58, 66-моддалари бўйича жавобгарлик белгиланган.

**Жавобларни ҳуқуқшунос**
**С.ЭРГАШЕВ таёрлади**

# ИСМДА ҲИКМАТ БОР

Ҳаётда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан яралмайди. Чуқурроқ мулоҳаза юритсак, бутун мавжудот, ҳар бир буюм тарихнинг қайсидир даврида ҳаётий эҳтиёж туфайли пайдо бўлади. Масалан, оддийгина исмларнинг пайдо бўлиш тарихини олайлик. Одам боласини исм билан аташ қачон пайдо бўлган? Исм қўйишдан кўзда тутилган мақсад-муддао нима ўзи?

Бу саволлар бир қарашда оддий ва жўн туюлиши мумкин. Лекин уларнинг замирида катта маъно мужассам. Шу ўринда қадимги бир ривоятга эътибор қаратсак. Қадим замонда дунёнинг бир четида қорайин қабиласи бўлган экан. Бу қабилада чақалоқ дунёга келган заҳотиёқ унга исм қўйилмаган. Балки ҳар бир фарзанд ўсиб-улғайиб вояга етгач, эл-улус орасида қилган ишлари, яхши фазилати ёки аксинча, номуносиб феъл-атворига қараб, унга ном, яъни исм қўйилган. Чақалоқларнинг кўпчилиги 40-50 ёшларга бориб исм эгаси бўлишга эришган. Айримлари эса умр бўйи исм ололмай дунёдан ўтиб кетишган.

Тўғри, бу бир ривоят, албатта. Лекин ривоятлар замирида ҳалоллик, адолат яшайди. Улар ҳаётий фалсафага таянади. Исми-жисмига мос, деган гапни тез-тез эшитиб турамиз. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига ярашиқли, чиройли исм қўйишга ҳаракат қилади. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз чақалоққа исм қўйишда миллий анъаналарга риоя этишган. Бироқ кечаги шўролар замонида Октябр, Инқилоб, Маркс, Ленин сингари исмлар пайдо бўлганди. Аммо миллий анъаналаримизга хос бўлмаган бундай исмлар қисқа фурсатда ўз моҳиятини йўқотиб қўйди.

Бугун ҳам ҳаётда янги туғилган чақалоққа ўйламай, шошмашошарлик билан исм қўйиш ҳоллари учрайди. Масалан, чет эл киноактёрлари, футбол юлдузларининг исмларини фарзандларига қўяётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Рамеш, Сундир, Эшода каби миллий табиатимизга мутлақо ёт исмлар қулоғимизга эриш чалинмайдими?!

Шу билан бирга эски иримсиримларга ҳамон амал қилиб, фарзандини Тешабой, Болтабой, Саримсоқ, Чўлли, Качалвой, Бўригул сингари исмлар билан номлаб, улар вояга етганда таъна-дашномга дуч қилаётган, норозилигига сабаб бўлаётган оилалар ҳам бор. Бу ўринда гап ота-боболаримизнинг асрлар бўйи фарзандларига қўйиб келаётган Отабек, Анвар, Алишер, Улуғбек, Ботир, Кумуш, Барчиной, Зебунисо сингари исмлар устида бораётгани йўқ, албатта. Минг йиллар давомида инсон жисмига монанд бундай исмлар тилимизда гўзаллашиб, сайқал топиб, умрбоқийлик касб этмоқда. Бундай исмлар ёнига замонамизга мос мазмунли, айтилиши бийрон исмлар қўшилиб, исмларимиз бойлиги тобора ортиб бораётгани қувончли. Дилбар, Дилшода, Муҳайё, Наргиз, Нодиржон, Нилуфар, Маҳлиё, Жасурбек, Ойбек, Фарҳод, Санжар, Сарвар, Сардор, Комилжон каби юзлаб исмларда халқимизнинг маданий савияси, дунёқараши, маънавияти, орзу-умидлари, яхши ниятлари уфуриб турибди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши жой номлари билан бирга исм, насаб, шариф тўғри ёзилиши ва тўғри талаффуз қилиниши борасида ҳам фуқаролар масъулиятини бирмунча оширди. Баъзи ҳолларда эса шундай ҳужжатларга дуч келинадики, уларда русийзабонлар талаффузига асосланиб, имлога мутлақо эътибор берилмаган, оқибатда маънавий мулкимизга зарар етказилган. Дильбар (Дилбар), Якуб (Ёқуб), Джавли (Жовли), Джура (Жўра),. Туташ (Тўхташ), Гаппарходжа (Ғаффорхўжа), Иргаш (Эргаш), Ирназар (Эрназар), Узода (Озода), Арал (Ўрол) каби исмлар билан бир қаторда Иргашев (Эргашев), Толькинова (Тўлқинова), Откирова (Ўткирова) каби ўнлаб, юзлаб исм-шарифларнинг бузилиб ёзилиши маданиятсизлик десак, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Эндиликда бундай исм-шарифларнинг ўзбекча маъносини сақлаган ҳолда, тўғри ёзиб, ҳужжатлаштириш замон талабидир.

Айниқса, биз ФҲДЁ ходимлари юқоридаги хатоларга барҳам бериб, болаларга маъноли, ярашиқли исмларни қўйишда ота-оналарга яхши маслаҳатчи бўлмоғимиз, ҳужжатларда исмларнинг тўғри ёзилишида ўта масъулият ва бурч ила ёндашмоғимиз лозим. Негаки, имло қоидаларига риоя қилмаслик, маданий савия, эстетик дид, саводхонлик ва ҳафсаланинг етишмаслиги кўплаб чалкашликларга сабаб бўлмоқда.

Исмда ҳикмат бор, дейдилар. Инсон ўз исмини умр бўйи жисми билан бирга кўтариб юради. Чиройли ҳусн инсонга қанчалик ифтихор бағишласа, чиройли исм кўнгилни тўқ тутади, ардоқлайди. Жисмга мос исм ўз соҳибига бир умр маънавий йўлдош, содиқ мададкор бўлади. Маъноли, хушоҳанг исмлар халқимиз ва тилимизнинг бебаҳо хазинасидир. Шундай экан, фарзандларимизга бу хазинадан шундай бир дурдона исмлар топиб қўяйликки, улар ўсиб улғайганларида ўз исмлари билан фахрланиб юрсинлар.

**Назира ЧОРИЕВА,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Қизириқ тумани**
**ФҲДЁ бўлими мудираси**

*Жаҳон тажрибаси*

# АҚШ КОНСТИТУЦИЯСИ

Конституция ўз мақомига кўра олий даражадаги қонун бўлиб, ҳар бир давлатнинг ўзига хос қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, демократик тамойилларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ҳамда манфаатларини ўзида ифода этади. Шунингдек, унда давлат ҳокимияти қандай тамойиллар асосида ташкил этилганлиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ манфаатига хизмат қилиши ҳам намоён бўлади.

Ана шундай демократик тамойилларни ўзида мужассамлаштирган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият ҳисоблайдиган, чинакам демократик давлатнинг талабларига жавоб бера оладиган дунёдаги биринчи ёзма асосий қонун — АҚШ конституциясидир. АҚШ конституцияси ўзининг яратилиш тарихи, қабул қилиниши, тузилиши ва қоидалари билан бошқа қонунлардан ажралиб туради. АҚШ Конституциясининг тарихи 1777 йили қабул қилинган "Конфедерация моддалари" билан бошланган. Ушбу қонун ўз даврининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда конференцияга аъзо бўлган давлатлар ўртасида бўладиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган. У АҚШда конституция қабул қилингунга қадар асосий қонун бўлиб хизмат қилган. АҚШ федератив давлати ташкил топганидан сўнг АҚШ конгресси ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш мақсадида 12 та штатдан 55 та депутатдан иборат фуқаролар вакилларининг умумий мажлисини чақаради. Муҳокама вақтида депутатларнинг кўпчилик қисми федератив давлатга хос бўлган, унинг бугуни ва келажагини белгилаб берувчи ягона конституцияни яратиш ғоясини илгари суради. Шундан сўнг 55 депутатдан иборат конституцион комиссия тузилиб, янги асосий қонунни ишлаб чиқишга киришилади. Ниҳоят, 1787 йилнинг феврал ойида АҚШ Парламенти ўзининг конституциясини қабул қилади.

АҚШ Конституцияси ихчам шаклда тузилган бўлиб, муқаддима ва 7 модадан иборат. Моддалар ҳам ўз навбатида бўлимларга ажратилган. Конституциянинг муқаддимаси шундай сўзлар билан бошланади: "АҚШ халқи тинчликни, барқарорликни таъминлаш, адолатни қарор топтириш, бошқа давлатлар билан бирга барча соҳада алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қонуний кафолатлаш мақсадида ушбу Конституцияни қабул қилади". Асосий қонуннинг моддаларида давлатнинг уч ҳокимияти — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ташкил этилиш тартиби, ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, шунингдек, конституцияга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш тартиби ва бошқа қоидалар ўз ифодасини топган. Асосий қонуннинг биринчи моддасига кўра 30 ёшга тўлган, мамлакат ҳудудида 9 йил яшаган фуқаро сенатор бўлиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, конституцияда фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. АҚШ конституциясининг хусусиятларидан бири унинг ҳаётийлиги ва барқарорлигидир. Конституциянинг мамлакат асосий қонуни эканлиги уни қабул қилишнинг алоҳида хусусиятини ҳам шарт қилиб қўяди — бунинг учун алоҳида конституцион патентлардан кенг фойдаланилади, ваколатли орган томонидан қабул қилинган конституция умуммиллий референдум томонидан тасдиқланади, шунингдек, бундан кейинги қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш ҳам тасдиқланади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунгача конституцияга 27 та ўзгартириш киритилган, холос. Дастлабки 10 та ўзгартиш 1789 йили 25 сентябрда конгресс томонидан киритилган бўлиб, унга кўра АҚШ фуқаролари эркин фикрлаш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳукуматга мурожаат қилиш ва тинч йўл билан намойиш ўтказиш ҳуқуқларига эга бўлди. Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлик қатъий белгиланиб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, АҚШ конституцияси чуқур илмий асосга эга бўлиб, ҳозирги кундаги кўплаб демократик давлатлар конституцияларининг яратилишига замин вазифасини ўтади.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**ТДЮИ II-ҳуқуқ**
**факультетининг**
**талабаси**

*Газета ёрдам қилди*

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Газетанинг шу йил 25-сентябр сонида чоп этилган "Палвонтошни ким кўтаради?" танқидий мақолада Бойсун туман халқ таълими бўлими мудири Абдуллатиф Норқуловнинг қонунга хилоф равишда чиқарган 2-гуруҳ ногиронларга иш бермаслик тўғрисидаги буйруғи танқид қилинган эди. Ушбу мақола газетада чоп этилгач, ўтказилган текширув натижасига кўра ушбу буйруқ ноқонуний эканлиги туфайли бекор қилинди. Тумандаги 62 нафар турли соҳа ўқитувчилари ишга тикланиб, қайта тарификациядан ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, адолат қарор топди. Биз адолатни тиклашда ёрдам кўрсатгани учун газетага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

***Бир гуруҳ ўқитувчилар номидан: Аҳмад Умаров, Очил Тошқулов, Саодат Холиқова, Дилором Бобожонова, Пардахол Салимова, Камол Мамараҳимов ва бошқалар.***

*Ҳурматли таҳририят!*

***Бизни қийнаётган муаммо юзасидан бир қанча мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Жумладан, вилоят газ бошқармасидаги раҳбарларга ҳам вакилларимиз бир неча марта бориб келди. Аммо натижа йўқ. Гап шундаки, йил бошидан буён туманимиз марказидаги энг йирик Тузбозор, Кўктепа, Чинор, Кўкчак, Пойгабоши каби маҳаллаларда ёниб турган газ ўчиб қолди. Ўтган қишда томларни тешиб яна, ота-бободан қолган қора печкаларни ким ўтин, ким тезак билан ёндириб қишдан чиқди. Бир бало қилиб қишни ўтказдик. Аммо ёз бўйи ҳам газнинг йўқлиги туфайли қора ўчоққа ўтдик. Энди яна қиш эшик қоқаётир. Ҳаво совуб қолди. Тоғли юртда яшаймиз. Аҳвол эса ўзгарган эмас. Кичкина гўдаклари бор хонадонларнинг аҳволи барчага маълум. Бойсун туман газлаштириш идорасига қатнайвериб, чарчадик, деб:***

***Фатхулла Бўриев, Ҳамро Болтаев, Неъмат Аҳмедов ва бошқалар.***

***Ушбу шикоят юзасидан махсус мухбиримиз Собир Ёдиков журналистик суриштируви ўтказди. Қуйида текширув тафсилотларини ҳавола этамиз.***

## Бир шикоят изидан

# Қорачўқ



Кўркам хонада ўтирган "Сурхондарёгаз" шўъба корхонаси бошлиғи Тоҳир Эгамбердиев ниҳоят, тинимсиз қўнғироқлардан бўшади-да, бизга юзланди:

— Бугун Термиз шаҳрида ҳам газ йўқ. Қўшимча қувурни улаяпмиз. Шу сабаб қўнғироқлар кўпайган, — дея у шикоят хати билан танишга киришди.

— Бундан хабарим бор, — деди у раҳбарга хос босиқлик билан, — бир-икки ой илгари ўша томондан вакиллар ҳам келишган эди. Очиғини айтсам, бу талаб ярага айланган. Энди уни тузатмасак бўлмайди...

— Газ соҳасидаги айрим мутахассислар билан суҳбатлашдим, — дедим мен, — уларнинг айтишича, шаҳар марказига борадиган қувурга битта газни кучайтириб берувчи махсус аппарат ўрнатилган экан. Йиллар ўтиши билан туман марказигача газ қувурлари ўнлаб келометрга чўзилган. Шу сабаб энди бу ягона газ кучайтиргич мосламанинг кучи етмай қолибди.

— Мутахассислар тўғри айтишган. Сизга айтсам, энди бунинг битта йўли бор —Сайроб қишлоғи томон тортилган газ қувурини 800 метрлик масофани шаҳарга элитувчи қувур билан халқасимон бирлаштириш лозим. Ўшанда Бойсун туман марказидаги маҳалла хонадонлари катта ташвишдан қутулишади, — деди бошлиқ.

— Хўш, барчасидан хабардор экансиз, қандай чора кўрмоқчисиз? Буёғи эрта-индин қиш бошланади. Тоғнинг қишини билассиз, қарийб олти ойга чўзилади.

— Ҳозир Термизда комиссия ишлаяпти. 8-октябрь куни туманга боғланган бош мутахассисимиз билан бир гуруҳ ходимларимизни юборамиз. Улар масалани чуқур ўрганиб ўз таклифларини киритишади, — деди бошлиқ.

Ишонган тоғингда кийик ётмас экан. Вилоят миқёсидаги бошлиқнинг ваъдаларини қўлтиққа урганимизча шикоятчилар ҳузури томон чопдик. Тоҳир Эгамбердиевнинг "қарз" гапларини уларга етказдик. Аммо, орадан 14 кун ўтди. Ваъдалар унутилган шекилли, аҳвол ҳамон ўзгармаган. Афтидан, Тоҳир акамиз бундай шикоятларни эшитавериб, аризачиларни қабул қилавериб, ёлғон ваъдалар билан алдашга устаси фаранг бўлиб кетганга ўхшайди. Лекин бир неча ойдан буён "зангори олов" ёқолмаётган оилалар-чи?!

— Уйда мактаб ёшидаги болалар бор. Газ йўқлиги туфайли уларга овқат тайёрлаш қийин бўлаяпти, — дейди Тузбозор маҳалласида яшовчи Анор Ғуломова, — бунинг устига совуқ тушиб қолди.

Бундай шикоятларни шу маҳаллада яшовчи кўплаб хонадонлардан ҳам эшитдик. Уларнинг кўпчилиги қора ўчоққа ўтишган. Ҳозир кунлар иссиқ. Эрта-чи? Тоғлар бошига қор тушди. Тоғ шароитидаги қирчиллама қишнинг совуғини ўтин билан енгиб бўлармикан?

— Қиши билан қийналдик. Уйлар томини тешиб қора печка ўрнатдик, — дейди Чинор маҳалласининг бир гуруҳ уй бекалари.

Ўтган йилнинг қишидан буён ҳозиргача туман марказидаги аҳоли энг зич жойлашган Тузбозор, Чинор, Ариқ усти, Кучкак, Пойгабоши Кўктепа каби маҳалла хонадонларда бир неча ойдан буён газнинг "нафаси" ўчиб бўлган. Қора ўчоқ учун кимдир ўтин излайди, бошқаси электр печга уринади.

Хўш, айрим маҳаллий раҳбарларнинг бундай эътиборсизлиги қачонгача давом этади? Ахир, ҳар бир раҳбар оддийгина ўз ишига масъулият билан ёндашса, одамларнинг ташвиши билан яшаса, нур устига нур бўлади-ку!

Албатта, Бойсун туманидаги бу муаммо ўз ечимини топади. Аммо шуни одамларни шикоят ёзишигача олиб бормай ҳал этиш мумкин эди-ку! Ҳа, ҳаммаси раҳбарнинг фидойилиги, жонбозлигига боғлиқ.

# ОЧИҚ ДЕРАЗА

Баҳор кунлари эди. Атроф кўклам либосини кийган. Осмондаги қуёш ердаги кўнгли покка ҳам, дили қорага ҳам бирдек нур ташлаган. Кўчада санқиб юрган Нуриддин Жалилов ҳамшаҳри — Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳасан Исломовни учратиб қолди.

— Э, қалай, дўстим, ишлар тузукми? — сўради Нуриддин.

— Ўзинг нега камнамосан? — саволга савол билан жавоб қилди Ҳасан.

— Икки йил илгари қўлга тушиб, судланиб қолдим.

— Энди озод бўлгандирсан? Муддат ҳам тугагандир? — дея ўсмоқчилаб сўради Ҳасан.

— Муддат-ку тугашга тугади. Аммо тирикчиликнинг мазаси йўқ. Чўнтак бўш, — дея дўстининг кўнглига қўл солди Нуриддин, — хоҳласанг бир режали "ўлжа" бор. Шерик керак.

— Мана бизда шерик. Мендан зўр шерикни тополмасанг керак, — бўлажак "ов" нинг исини олган бўлди Ҳасан.

— Кошғарий кўчада бир кекса аёл истиқомат қилади. Хўп десанг, ўшанинг хонадонига бир "шўнғиб" чиқамиз.

— Мол-дунё турганда илтимосга бало борми?! Режани суппа қилиб ёявергин дўстим. Биз ҳамиша тайёрмиз!

— Мен сенга айтсам, кўриб юрганинг кўзи тарози. Анчадан буён кузатиб юраман. Баъзан кампир невараларинникига кетиб қолади. Бундан қулай пайтни топиш қийин.

— Розиман. Анави елкангда кўтариб юрган бошинг яхши ишлайди сен боланинг.

Ҳамтовоқлар гапни бир жойга қўйишди. Пайт пойлаб ўша "мўлжал"га олинган хонадон овлоқ қолганда, эшикдаги хитой қулфларини арматура бўлаги билан бир урушдаёқ очиб ташлашди. Ўғрилар хонадонга кириб, бу ердаги "Совпластитал" заводида чиқарилган бир комплект стол ва стулларни, қимматбаҳо чинни чойнакларни — хуллас, 92 минг 300 сўмлик уй-рўзғор буюмларини ўмариб, кўздан ғойиб бўлишди...

Орадан бир ой ўтди. Нуриддин Жалилов дастлабки "ов"дан тушган маблағни еб битирди. Яна чўнтак қуруқ қолди. "Энди нима қилсам экан", дея хаёл суриб Термиз шаҳар 5-кичик даҳасида жойлашган 7-сонли "Табассум" номли боғча ёнидан ўтаётиб, боғча хоналарининг бирини деразаси очиқ турганига кўзи тушди. Ҳа, ўғрининг кўзи тарози дейишади... Шу боис эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин экан. Боғчада шунча ишловчи ходимларнинг назаридан четда қолиб ёпилмаган дераза Нуриддининг янги ўғирлигига имкон яратган эди.

У оқшом чўкишини сабрсизлик билан кутди. Ичини ит тирнади десак, хато қилмаган бўламиз. Қулай фурсат эди-да. Атрофга зулмат босгач, Нуриддин ўйлаб ҳам ўтирмади, ўзини очиқ қолдирилган дераза томон урди. Боғчада нима кўп — болалар ўйинчоғи кўп. Лекин "қаҳрамонимиз" уларга парво қилмади. Болалар хонасидаги 19 минг сўмлик гиламни қулай бўлсин деб яхшилаб урады. Бундоқ қараса, ошхонада тарелкалар тахлаб қўйилган. Ўғрининг кўзи чақнаб кетди. 30 минг сўмлик чинни тарелкаларнинг 50 донасини, 35 минг сўмлик чинни косалар-у, тошойналар ҳам унинг назаридан четда қолмади. Жами бўлиб 134 минг сўмлик боғча ашёларини ўмарганича қоронғу тунда шарпадек кўздан ғойиб бўлди.

Боғча ходимларининг биргина беparволиги бу ердаги буюмларнинг ўғирланиб кетишга имкон яратди. Ахир, иш вақти тугаганда атрофни синчиклаб кўздан кечириш нечоғлик муҳим эканлигини ҳар бир боғча ходими ҳис эта билиши лозимдай назаримизда...

Озгина бепарволик, шошмашошарлик эса давлат корхонасига қимматга тушишини ана шу мисолдан ҳам яққол билиш мумкин.

Ишлари ўзича "силлиқ" кўчаётган қаҳрамонимизнинг нафси ҳаккаллаб кетди. Боғчадаги ўлжанинг "таги" кўринмасданоқ яна ўғирликка қўл урди.

Шу йилнинг 20-июнь кунида Термиз шаҳрининг Фарҳод кўчаси бўйлаб изғиб юрган эди. Ўғрининг нигоҳи йўл четида боғлаб қўйилган бозорда 40 минг турадиган, қилувчи Холмурод Жўраевнинг бузоқчага тушди. "Семизгина экан", — ўйлади у. Оқшом чўкар-чўкмас бузоқча ёнида ҳозир бўлган Нуриддин атрофга бир қур назар ташлади. Ҳеч ким йўқ. Эгаси ҳам кўринмайди. "Овим бароридан келди шекилли", деган хаёллар билан тап тортмасдан боғловлик турган бузоқни ечиб, олдига солиб ҳайдаганча, Ҳамро Аннақулов хонадонига борди:

— Ака, онам бетоб, пул зарур бўлиб қолди. Дори-дармон олмоқчи эдим. Шу ҳўкизчамни сотмоқчиман, — дея авради уни Нуриддин.

— Ҳозир унча пулим йўқ, — жавоб қилди харидор.

— Майли, кейинроқ берасиз, — бузоқни "харидорга" ташлаб ғойиб бўлди у.

Хушомадгўйга қўй сўйдирма, деб шунга айтишса керак. Эртаси куни ички ишлар бўлимининг ходимлари бузоқчанинг "харидори"дан молни олиб кетишди...

Ўғри тумшуғидан илинган эди.

**Самижон ОМОНИЁЗОВ,**
**Термиз шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

# ҲАЛОЛ РАҚОБАТ

## ишни олға силжитади

Мустақиллик эришганимиздан сўнг жамиятимизда қарор топган бозор ва демократия муносабатлари ҳуқуқ соҳасида ҳам кўплаб янгиликларнинг вужудга келишига замин яратади.

Хусусий нотариуслар фаолиятининг йўлга қўйилиши ана шундай янгиликлар сирасига киради. Нотариуслар хусусий тарзда ишлайбошлагандан кейин шу нарса маълум бўлдики, турли идоравий муносабатлар таъминлаш, ҳужжатлар олди-бердиси, ахборот айирбошлаш каби омиллар уларнинг фаолиятни мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатди. Худди ана шу зарурат хусусий нотариуслар фаолиятини мувофиқлаштирувчи палатани вужудга келтирди. "Нотариал тўғрисида"ги Қонунда хусусий тарзда ишловчи нотариуслар сони битта вилоятда 10 тага етган тақдирда уларнинг истагига кўра ушбу палатани ташкил этиш мумкинлиги белгиланганлиги боис вилоятимизда хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган 11 нафар нотарус ходими ва вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан 1999 йилнинг 1 майида вилоят хусусий нотариусларининг Палатаси ташкил топди. Палатанинг таркиб топишига соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган Р.Ражабов, Г.Собирова, Г.Ёқубова, Ҳ.Пирнафасов сингари малакали ҳуқуқшунослар бош-қош бўлишди.

Палатанинг айнан Хоразм вилоятида тузилгани эса унга аъзо бўлишни хоҳловчилар сони бошқа минтақаларга нисбатан анча кўплиги билан изоҳланади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар зеро, ҳозир вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида мавжуд.

Энди Палатамизнинг фаолиятига тўхталадиган бўлсак, асосий вазифамиз хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни зарур ахборотлар ва моддий воситалар билан таъминлашдан иборат. Дейлик, тегишли идоралар бирон-бир шахс ваколатли маҳкамалар томонидан фуқаро сифатида муайян ҳуқуқлардан тўла ёки қисман маҳрум этилгани ёки чеклаб қўйилганини нотариал амалиёт ходимларига маълум қилинса, уни дарҳол ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошираётган нотариусларимизга етказамиз. Хусусий нотариуслик амалиёти соҳасида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчилик ва нуқсонлар, қонунсизликларга ана шу тариқа чек қўйилади. Бу — амалий фаолиятимизнинг бир кўриниши, холос.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай шакл ва мазмундаги ишларимизнинг сони тоборо ортиб бораяпди. Умуман олганда эса, тегишли идоралардан олинувчи ахборотлар ниҳоятда кўп ва уни жойларга тўхтовсиз етказиб бериш мажбуриятларимизнинг асосини ташкил этса, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг намунали ва самарали иши учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш фаолиятимизнинг яна бир муҳим қиррасидир. Шунингдек, палатамиз хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариусларнинг иш тажрибасини умумлаштириш, ўрганиш ва уларни, палата мажлисларида муҳокама қилиш билан шуғуллпниб келмоқда. Ўтган икки йил мобайнида палатамизга аъзо бўлган нотариусларнинг барчаси замонавий бинолар компьютер, техникаси ва замонавий нусха кўчириш, алоқа ускуналари каби хизмат кўрсатиш воситалари билан таъминланди. Мазкур қулайликлар баробарида фуқароларга кўрсатилаётган илиқ муомала ва намунали хизмат маданияти мижозлар сонининг мунтазам равишда ортиб боришига сабаб бўлаяпди. Бу эса турли тушумлар микдорининг ортишини таъмин этмоқда. Бундан мижозлар ҳам, давлатимиз ғазнаси ҳам мўмай даромад олмоқда. Энг муҳими, давлат муассасаларига муносиб рақобатчи ҳисобланган яна бир аҳил ва уюшқоқ жамоа вужудга келди. Энди олдимизда турган вазифалар кўлами Палата Низомида шундай белгиланган: қуйидаги жумлалар бор: "Палата нотариуслар манфаатларини ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади, хусусий фаолият турларини ривожлантиришда амалий ёрдам беради, шу соҳа ходимларига нотариал фаолиятга тааллуқли бўлган экспертиза ва суғурта харажатларини қоплашга кўмаклашади. У ҳукуматга тегишли ташкилот ва бошқармаларда, корхоналарда, муассасаларда нотариуслар манфаатларини ифодалайди, уларнинг ижтимоий ва касбий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди.

Шунингдек, у нотариал фаолият билан янги қонун ва қоидаларни ҳисобга олиб, палат аъзоларига тарқатиш ишларини бажаради. Нотариусларнинг касб фаолиятини юритишда услубий ёрдам беради, иш тажрибаларини умумлаштиради, ўқув машғулотларини ўтказади..."

Низомда белгиланган ана шу мақсад ва вазифаларнинг амалий ифодаси ўлароқ ўтган икки йил давомида хусусий нотариуслар томонидан амалга оширилган ҳуқуқий нотариал ҳаракатлар сони 43 мингтага етди. Ҳозир хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариусларнинг ҳар бирига ойига ўртача 200 дан зиёд турли ҳуқуқий ҳаракат тадбирлари тўғри келмоқда. Нотариусларимиз шахсий уй-жойлар қуриш учун ер майдони ажратиш, уй-жойлар, хонадонлар, кўчмас мулк турлари, автотранспорт воситаларини тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ шартномалар, васиятномалар, ишончномалар, турли ҳужжатларни тасдиқлаш, мулкий ҳуқуққа тааллуқли гувоҳномаларни бериш каби ранг-баранг нотариал юмушларни амалга оширишаяпти. Бу давлатимизга қарашли нотариал идоралардаги юмушларнинг бари бизга ҳам дахлдорлиги ва уни амалга оширишга ваколатимиз бор эканидан далолатдир.

Ижтимоий-иқтисодий равнақ гарови ва бозор муносабатларининг муҳим шарти бўлган соғлом рақобатни ривожлантиришга ҳам салмоқли улуш қўшаяпмиз. Бу борада "ҳалол рақобат баҳслашиб ишлаётганлар бири-бирини қўлласагина ривож топади", деган ақидага изчил амал қилинмоқда. Бу ҳолнинг сабаби бор, албатта. Чунки Рақиб томоннинг суст фаолияти тармоқ обрўсини тўкиб юборади. Бу эса мижозлар сони камайишига олиб келади. Шу боис ҳам бир-биримизни ўзаро қўллабқувватлашга интиламиз. Биз рақобатчилар билан юқори иш сифати ва юксак хизмат маданияти учун баҳсга киришаяпмиз. Шу боис борада ҳатто нотариал ҳаракатлар сони бир мунча камайишини ҳам табиий ҳол. Чунки сон орқасидан қувиш иш сифатига жиддий путур етказиш мумкин. Фаолиятимизнинг дастлабки ойларида айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ҳозирки пайтда уларни тузатишга муваффақ бўлдик. Бизнингча, аввал хизмат савияси ва маданиятини ошириш лозим, кейин эса мижозлар сонини кўпайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли хизмат маданияти ва сифатини оширишга ҳаракат қилияпмиз. Шунингдек яқин орада хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариуслар сони 13 кишига етади. Ахборот таъминоти ва амалий-услубий мадад масаласида адлия муассасалари, қолаверса, бошқа ҳуқуқ-тартибот ва қонун назорати маҳкамалари, шунингдек, ҳокимликлар, молия-банк ташкилотлари, уй-жойларни рўйхатга олиш кадастр бюролари билан ҳамкорликни босқичма-босқич кучайтира боришнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Адлия тизимида ҳайъат ва комиссиялар таркибида нотариуслик тармоғи вакилларининг фаол иштироки ҳам ишимизга наф келтиради. Бундан ташқари ўз матбаа-ноширлик корхонамизга ҳам тобора кўп зарурат сезаяпмиз. Маҳаллий бошқарув идоралари кўмагида нотариал фаолият билан шуғулланувчи ходимларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш масаласини ўйлаб кўраяпмиз. Бу маслада вилоят шаҳар ва туманлари раҳбар маҳкамаларининг нотариуслик шоҳобчалари учун ер майдонлари ажратиб беришидан умидвормиз. Айни пайтда марказнинг ҳуқуқий ҳаракатларимиз юзасидан зарур маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, тавсиялари, услубий мададига ҳам зарурат сезиляпти. Бунинг учун эса хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг вилоят палатасидан ташқари Республика уюшмасини ҳам тузиш талаб этилади. Ўйлайманки, мазкур режалар тез орада рўёбга чиқади.

**Собирёз СОДИҚОВ,**
**Хоразм вилояти хусусий тартибда ишловчи нотариуслар палатаси Президенти**

## Оталар дейдики:

***Нодон киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.***

***

***Огоҳ бўлингизки, карим ва ҳурматли, вафодор одамни йўқотиш эр кишига вафотдан кўра ҳам оғирроқдир.***

***

***Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан, яхшиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғусию заҳматидан қутуласан.***

# ШЎРВАГА ГЎШТ БЎЛГАН ИЛОН



## (Ҳаётий воқеа)

Бир вақтлар раҳматли отамнинг катта боғи бўлган. Бу боғ бувамдан мерос қолган экан. Ишкомларнинг узунлиги 150-200 қадамдан кам эмасди. Бир бошидан қаралса, нариги бошидаги узумлар ғира-шира кўринарди.

Йилда икки марта токни қондириб суғоришарди. Сувдан сўнг узумзор ичи пушталаригача чуқур чопиб қўйиларди. Ҳусайнилар шира бойлай бошлаганда яхшилаб сув бериларди. Ёзнинг чилласи эди. Бир ҳафтада ер етилди. Отам бомдод номозидан кейин гузарга чиқиб, тўрт нафар мардикор олиб келди, уларни чойлантириб, боғ ичига бошлаб борди-да, ишком ичини ва пушталарни қандай чопишни кўрсатиб берди.

Мардикорлар ишга тушиб кетишди. Лекин улардан бири ўтириб олиб, оёғини силай бошлади ва отамга қараб хижолатомуз:

— Оғриқ тутиб қолди, ҳозир ўтиб кетади, — деди.

— Мурод ака бир ишга тушса, бизни йўлда қолдириб кетади, — дея шериги учун изоҳ берди мардикорлардан бири.

— Хиёл ўтмай Мурод ака деган мардикор ишга тушиб кетади ва тезда шерикларига етиб олди.

Боғнинг рўпарасида — пастроқ тепаликнинг дов-дарахтлар билан қопланган шундоққина пастида ёзги шийпонимиз бўлар, тепалик охирига чуқур ковланиб қилинган ўчоғимиз бор эди. Ўчоқлар ҳар хил ўлчамда бўлиб, шу куни энг каттасига қозон осилди. Мен ўтин териб келиб, олов ёқдим. Ойим икки пақирча сув қуйдилар. "Мунча кўп сув солдингиз?" — деган эдим, ойим: "Қайнай-қайнай, бу сувнинг ярми ҳам қолмайди. Пешинда сузамиз-ку" дедилар.

Сув қайнагач, семиз қўй гўштини ташладилар, бир оздан сўнг эса сабзавот ва кўкат солдилар. Мен қозонни аввал қаттиқроқ, кейин эса секинроқ қилиб қайнатиб турдим.

Қозондаги масалликлар пиша бошлагач, атрофни буғдан чиқаётган ёқимли ҳид тутиб кетди. Қозон чўғнинг ўзига биқиллаб қайнаб турганини кўриб, ўртоқларим билан ўйнаб келиш учун кетдим.

... Бир маҳал онам мени излаб, чақириб қолдилар. Қарасам, ўчоқ бошида отам иккиси нима қилишни билмай, гангиб туришибди экан. Қозонга қарасам, унча узун эмас, кичикроқ илонга кўзим тушиб, қотиб қолдим. Илон қайнайвериб, титилиб кетибди.

— Сен ташламадингми? — Онамнинг бу саволидан чўчиб тушдим.

— Нега ташлар эканман? Ўзим илондан қўрқаман-ку!

— Нима қилдик энди, онаси, — отам илтижо билан қарадилар.

— Атайлаб солмаган бўлсак... Ўзи тушиб, гўшт бўлибди. Домламизга бориб, сўраб келинг.

Онамнинг маслаҳати маъқул тушди. Отам домлага борган экан, у ҳечқиси йўқ. Бемалол сузиб ичаверинглар, дептилар.

Албатта, ўшанда шўрвани ичолмадим. Лекин овқат мардикорларга жуда ёқибди. Мурод амаки дегани қўшимча яна бир коса сувидан ичиб олибди.

... Орадан 3-4 кун ўтди. Бир куни Мурод амаки отамни йўқлаб келиб қолди. Нима ҳақда гаплашишганини билмадим-у, бироқ отам мамнун ҳолда бўлган гапни айтиб бердилар.

Мурод амакига шўрва роса ёқиб, сув-сув терлапти. Баданлари юмшаб, жони роҳат қилибди. Ишга ҳам бормай, дам олибди. "Хўжайин, шўрва мени малҳамдай даволади, оғриқлардан бутунлай фориғ бўлдим. Овқатга қандай масалликлар солинган эди? Шуни билиб кетгани келдим", — депти.

Отам илон воқеасини айтибдилар. Сўнг "Нимадир ишингиз ёқиб, сизга Оллоҳнинг марҳамати насиб этибди. Шукр қилинг" дептилар. Мурод амаки хурсанд ҳолда, кўп миннатдорчилик билдириб қайтиб кетибди.

... Ўз оёғи билан тушиб, шўрвага гўшт бўлган илон бир одамнинг отдай соғайиб кетишига сабаб бўлгани ҳақидаги воқеа, мана 70 йилки, ҳеч хаёлимдан чиқмайди.

**Анвархон АҲМЕДОВ,**
**журналист**

# КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Сафарда юрган хотини эрига қўнғироқ қиляпти:***

***— Мушугимиз қалай?***

***— Ўлди.***

***— Вой шўрим! Наҳотки, шу гапни юмшоқроқ қилиб айтолмайсан. Томда ўтирипти дегин. Кейин томдан йиқилиб, жони узулди дегин эди. Тушундингми?***

***— Тушундим.***

***— Хўп, майли. Ойим қалайлар?***

***— Томда ўтирипти.***

***Рашкчи хотин эри автомобилда сафар қилиб келгандан кейин унга айтяпти:***

***— Тўғри, мен ёнингдан муҳаббат изҳор қилиб ёзилган мактуб топганим йўқ. Даструмолингда лаб бўяйдиган мойнинг ҳам изи кўринмайди. Лекин олдинги ўриндиқдаги тасма меникига қараганда икки баравар нозикроқ қоматга мўлжаллаб, ихчам қилиб қўйилипти...***


«ИНСОН ва ҚОНУН»

катта йўлга тараддуд кўраётир.

Сиз-чи, азиз муштарий?




*Агар бизга келгуси йилда ҳам ҳамроҳ, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишни ният қилсангиз, "Инсон ва қонун" газетасига 2002 йил учун обуна бўлишга шошилинг!*


**Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ**


ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Очиқ турдаги "Ғаллаорол паррандачилик" акциядорлик жамияти хорижий сармоядорларни ҳамкорликка чақиради. Жамиятнинг 55,5% акция пакетини хорижлик ишбилармонларга сотиш кўзда тутилган. Жамиятимизнинг келажаги порлоқ. Вақт ўтмасдан биз билан ҳамкорликка шошилинг!*

**Бизнинг манзил: Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Очиқ турдаги "Ғаллаорол паррандачилик" жамияти**


Республика юристлар малакасини ошириш жамоаси марказ нашриёт бўлимининг катта муҳаррири Шерзод РИСҚИЕВга отаси

**Баҳром РИСҚИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаcида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Ислом ҲАМРО
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2943. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: **С. ЭРГАШЕВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **Д. БЕКМУРОДОВА**
Компьютер операторлари: **М. ЯХНЯЕВА, М. ДЎСТОВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65**

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.